Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1995 йил 1 февраль, чоршанба ● № 9 (10.685) ● Эркин нархда сотилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасида

ИСРОФГАРЧИЛИК ҲАЛИ КЎП

25 январь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Республика вазирликлари ва идоралари бўлинмаларида нефт маҳсулотларидан фойдаланишнинг аҳволи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Комиссия кўрилаётган чораларга қарамай, жойлардаги айрим раҳбарларнинг бепарволиги туфайли, вазирликлар ва идоралар томонидан назоратнинг йўқлиги сабабли нефт омборлари хўжалиги ишини такомиллаштириш, уларни зарур ўлчов асбоблари билан таъминлаш масалалари ҳал қилинмаётганини, бошқа камчилик ва нуқсонлар ҳам тугатилмаганини таъкидлади. Алоқа вазирлиги (вазир К. Раҳимов), «Ўзолмосолтин» уюшмаси (раиси Ш. Нажимов), Олмалиқ кон-металлургия комбинати (бош директори В. Сигедин), «Қизилқумкамёбметаллолтин» концерни (раиси Н. Кучерский), Ўзбекистон иккиламчи рангли металлар акционерлик жамияти (бош директор Р. Муҳаммадхўжаев) корхоналарида нефт маҳсулотларини нобуд қилиш ва ортиқча сарфлаш, шунингдек, уларнинг сифатини бузиш ҳоллари аниқланди. Ўзбекистон металлургия комбинати (бош директор А. Анохин), «Махсус қотишма» республика бирлашмаси (раҳбари П. Мақсудов) корхоналарида нефт маҳсулотларини ҳисобга олиш ва улар нималарга сарфланаётганини назорат қилиш йўлга қўйилмаган. Шу идораларга қарашли корхоналарни саралаб текширилганда 43 тоннадан ортиқ нефт маҳсулотлари асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб юборилгани ва ортиқча сарфлангани, 120 тоннадан ортиқ нефт маҳсулотларининг сифати бузилгани маълум бўлди. 50 тоннадан ортиқ нефт маҳсулотларини ҳисобдан яшириш ҳоллари аниқландики, бу ҳол турли суиистеъмоллар учун шароит яратади.

Сирдарё вилоятининг Ховос туманида нефт омборлари хўжалигининг аҳволи ҳамон қониқарсиз. Бу ерда хўжаликлар нефт омборлари ва корхоналарининг 80 фоизи техник аҳвол ва ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари борасида аниқланган камчилик ва нуқсонларни саккиз ой давомида бартараф этмаган. Қорақалпоғистон Республикасининг айрим корхоналарида ҳам аҳвол шундай. Ҳокимликлар, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларига нефт маҳсулотларидан фойдаланишда бузилишларга йўл қўйган шахсларнинг шахсий жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш тавсия этилди. Нефт маҳсулотларидан фойдаланиш масалаларидаги бетайинлиги учун «Махсус қотишма» республика бирлашмаси Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати директорининг ўринбосари В. Базаевни, «Ўзметкомбинат» ёнилғи-мойлаш материаллари шўъбаси бошлиғи Н. Назаровни, иккиламчи қора металлар акционерлик жамияти автогаражи бошлиғи У. Зокировни, Алоқа вазирлигига қарашли учинчи автотранспорт корхонаси директори С. Одиловни вазифасидан бўшатиш тавсия этилди.

Коммиссия мажлисида Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг энергия ҳосил қилишга, шунингдек, ўз эҳтиёжларига ва ташишга ёнилғи сарфини камайтириш, энергияни истеъмол қилишни назорат этишнинг автомат тизимини жорий этиш ишлари кўриб чиқилди. Тармоқ раҳбариятининг эътибори кўрилаётган чораларнинг етарли эмаслигига қаратилди.

Ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг 1994 йилдаги ишларига якун ясаш чоғида комиссия кўрган чоралар давлат йўли билан нефт маҳсулотларини етказиб бериш доирасида вазирликлар ва идораларнинг автотранспорт ишини барқарорлаштиришга имкон бергани таъкидлаб ўтилди. 50 минг тоннадан ортиқ нефт маҳсулотларининг исроф бўлишига чек қўйилди ва улар ишлаб чиқаришга сарфланди. Нефт маҳсулотлари ўрнига ёнилғининг бошқа турларидан фойдаланишга ўтиш тадбирларини амалга ошириш ҳисобига 56 минг тоннадан кўпроқ автомобил ёнилғиси тежаб қолинди. Шу билан бир вақтда газ, қозонхона-печ ёнилғиси, иссиқлик ва электр энергияси ҳамон кўп исроф бўлмоқда, ёнилғи ресурслари қониқарли ҳисобга олинмаяпти. Бундай нуқсонларни тугатиш юзасидан тавсиянома берилди.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов сўзга чиқиб, ёнилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг сира кечиктирмай ҳал этишни талаб қиладиган долзарб муаммолари тўғрисида гапирди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари В. Чжен, М. Шарифхўжаев, Р. Юнусов иштирок этишди.

(ЎзА).

ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР

ОҲАНГАРОН туманидаги Муқимий номли 8-ўрта мактабда ана шу мавзуда адабий кеча бўлиб ўтди.

Кеча ўқувчиларнинг Ўзбекистон мадҳиясини ижро этишлари билан бошланди. Сўнг тарих ва ҳуқуқ фанлари муаллимаси Орзигул Рустамова мустақил республикани ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги, ўзбек фарзандларининг уруш йилларидаги жасорати, ҳозирги даврда мустақил армиямизнинг Ватан ва халқ осойишталиги учун олиб бораётган ишлари хусусида сўз юритди.

Шу мактабнинг собиқ ўқувчиси, айни вақтда Тошкент олий ҳарбий билим юрти толиби Қаҳрамон Душанов кечада иштирок этиб, билим юрти ҳаёти ва у ердаги дўстлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб берди. Унинг ватаннинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиш учун аввало аъло баҳоларга ўқиш, жисмоний ва ҳарбий тайёргарликни пухта эгаллаш зарурлиги ҳақидаги фикрларини ўқувчилар қизиқиш билан тингладилар.

Кечада ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида шеър ва қўшиқлар айтилди, саҳна асарларидан кўринишлар намойиш этилди. 9-синф ўқувчиси Мирзоҳид Абдувоҳидов ижро этган «Оламни асранг, дўстлар» қўшиғи ҳам йиғилганларга манзур бўлди.

Рустам АБДУВОҲИД ўғли.



Тошкентдаги 1-темир-бетон буюмлари заводи жамоаси ҳар йили қурилишларга юз минглаб куб метр ҳажмда бинокорлик материаллари етказиб бермоқда. Корхонада ўз касбининг моҳирлари бўлган кўпгина ишчилар бор. Арматурачи Искандар Эмурлаев бу ерда 35 йилдан бери ишламоқда. Ўз касбини пухта эгаллаган бу меҳнатсевар ўз тажрибасини ёшларга ҳам қунт билан ўргатмоқда. Ушбу суратларда илғор арматурачи И. Эмурлаев (чапда) ҳамда арматура цехининг участкаларидан бирини кўриб турибсиз.

В. Багаев олган сурат.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

ШУ ЙИЛ 28 январь куни биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда депутатлар билан биргаликда шаҳар ва туманларнинг вилоят Кенгашига депутат бўлмаган ҳокимлари, вилоят бошқармалари ва бўлимларининг бошлиқлари иштирок этдилар.

Депутатлар 1-чақириқ Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибини тасдиқладилар.

Сессияда мандат комиссиясининг 1995 йил 8 январь куни такрорий овоз бериш натижасида ҳамда 22 январь куни ўтказилган такрорий сайловларда сайланган депутатларнинг ваколатларини эътироф этиш тўғрисидаги ахбороти тингланди ва тасдиқланди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Илгари Ўртачирчиқ тумани ҳокими бўлиб ишлаб келган **Т. М. МИРЁҚУБОВ** вилоят ҳокимининг биринчи муовини этиб тасдиқланди.

Сессияда вилоят ҳокими **Э. М. РЎЗИЕВ** «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг биринчи сессиясида ҳамда 1995 йил 18 январда Республика Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда айрим вазирликлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган мажлисда сўзлаган нутқлари асосида вилоят халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан навбатдаги вазифалар тўғрисида» маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда 14-сайлов округидан депутат, Чирчиқ шаҳар ҳокими **Д. АЗИЗХЎЖАЕВ**, Ўзбекистон Олий мажлиси депутати, Бекобод тумани ҳокими **М. РАСУЛОВ**, 49-сайлов округидан депутат, «Чиноз» наслчилик жамоа хўжалиги раиси **Т. ОМАРОВ**, 9-сайлов округидан депутат, Олмалиқ шаҳар ҳокими **Ю. Н. БЕЛАНОВ**, 46-сайлов округидан депутат, Ўртачирчиқ туманидаги «Нажот» шифохонаси бош шифокори **М. ЭРГАШЕВ** сўзга чиқдилар.

Сессияда Тошкент вилоятининг 1995 йилга мўлжалланган маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида вилоят молия бошқармаси бошлиғи **Б. ҲОСИЛОВ** ахбороти тингланди ва тасдиқланди.

Сессияда бошқа масалалар қатори вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармаларини ташкил этиш ва уларнинг раҳбарларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда **СОДИҚОВ Абдувоҳид Содиқович** — вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, **ТОЖИЕВ Олег Аҳмедович** — вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, **АҲМАДЖАНОВ Абдухамед Абдураҳманович** — вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, **СОЛИҲОВ Зоҳид Обидович** — вилоят маданият бошқармаси бошлиғи, **УМАРОВ Адиб Анварович** — вилоят шаҳарсозлик ва архитектура ишлари бошқармаси бошлиғи, **ҲОСИЛОВ Бахтиёр Алимович** — вилоят молия бошқармаси бошлиғи, **РАЖАБОВ Пўлат Раҳимович** — вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, **ҒАФУРОВ Баҳромжон** — вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси, **АҲМЕДОВ Ҳамидулла Аҳматович** — вилоят ҳудудий уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи, **ЛОЗИЦКИЙ Валерий Александрович** — вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, **НАЗИРОВ Нажим** — вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи, **МУҲИДДИНОВ Баҳодир Муталович** — вилоят капитал қурилиш бош бошқармаси бошлиғи, **МИРАЛИМОВ Шавкат Аббосович** — вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи этиб тасдиқландилар.

Шунингдек, сессияда **МУҲИДДИНОВ Фатхиддин Фазлиддинович** — «Тошкент ҳақиқати» газетасининг муҳаррири, **ПУКЕМОВ Александр Тимофеевич** — «Ташкентская правда» газетасининг муҳаррири этиб тасдиқландилар.

ЭРГАШЕВ Турғун Эргашевич — вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси этиб тасдиқланди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ БИРИНЧИ МУОВИНИ

ТЎЛҚИН МИРҲОЛИҚОВИЧ МИРЁҚУБОВ

1941 йил 22 февралда Тошкентда туғилган, ўзбек, олий маълумотли. 1964 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича агроном-олим.

Меҳнат фаолиятини 1964 йилда Ўртачирчиқ туманидаги Ленин номли (ҳозирги «Гулистон») жамоа хўжалигида бош агрономликдан бошлаган. Кейинчалик туман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, туман ижроия қўмитаси раиси лавозимларида ишлади.

1985 йилдан бошлаб партия ишларида бўлди. Жиззах тумани ва шаҳрида, Тошкент туманида биринчи раҳбар сифатида фаолият кўрсатди. Сўнгра Тошкент вилояти ижроия қўмитаси раисининг биринчи муовини, кейин вилоят ҳокимининг муовини вазифаларида меҳнат қилди.

1992 йилдан Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари вазири, сўнг республика бош вазирининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1994 йилда Ўртачирчиқ тумани ҳокими этиб тайинланди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг депутати,

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг иккинчи сессиясида вилоят ҳокимининг биринчи муовини этиб тасдиқланди.

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТДА УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАР

ХАЛҚ депутатлари вилоят Кенгашининг иккинчи сессиясида вилоят ҳокими Э. М. РЎЗИЕВ «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг шу йил 9 январь куни бўлиб ўтган I сессиясида ҳамда 18 январь куни Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда айрим вазирликларнинг раҳбарлари иштирокида ўтказилган мажлисда сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида» маъруза қилди.

— Республика Президенти И. А. Каримов вилоят Кенгашининг сессиясидаги ўз нутқида вилоятдаги аҳволни чуқур таҳлил этиб, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни тўғри ва адолатли танқид қилдилар, вилоятда ўтказилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлларини кўрсатиб бердилар, — деди вилоят ҳокими. — Президентимиз нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала шаҳар ва туман кенгашларининг сессияларида муҳокама этилди. Ҳозирги кунда барча ҳокимликлар, шу асосда шаҳар ва туманларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, аниқ тадбирлар ишлаб чиқмоқдалар.

Шундан сўнг Э. М. Рўзиев 1994 йилнинг 25 декабрь куни бўлиб ўтган сайловларга тўхталди.

— 1994 йилнинг 25 декабрида бўлиб ўтган Республика Олий мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар мамлакатимизда содир бўлаётган демократик ўзгаришлар, ислоҳотлар йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди, — деди у. — Шунинг учун ҳам Президентимиз Республика Олий мажлиси ва маҳаллий кенгашларга бўлган сайловнинг Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, одамлар онгига таъсири катта аҳамиятга эга эканлигини, у демократик руҳда, муқобиллик асосида ўтгани билан халқаро миқёсда ҳам юртимиз обрўсига обрў қўшганлигини алоҳида таъкидладилар.

Вилоятимизда ҳам сайловлар уюшқоқлик билан ўтди. 27 округдан Республика Олий мажлисига, 54 округдан халқ депутатлари вилоят Кенгашига, 606 округдан туман ва шаҳар кенгашларига депутатлар муқобиллик асосида сайландилар. Сайланган депутатлар орасида ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, ишбилармон тадбиркорлар, зиёлилар ва ижтимоий ҳаётимизни турли жабҳаларида меҳнат қилаётган бошқа вакиллар бор.

— Одатда йил якунланганда қилинган ишлар сарҳисоб этилади, жорий йил режалари белгилаб олинади, — деди ўз сўзини давом эттириб Э. М. Рўзиев, — Республикамиз Президенти 1994 йилдаги иш фаолиятимизни ҳар томонлама таҳлил этиб, олдимизда турган энг муҳим вазифаларни кўрсатиб бердилар. Шулардан келиб чиқиб, биз бугун вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1995 йилги ва келгусидаги асосий иш йўналишларини белгилаб олсак тўғри бўлади.

Албатта, энг биринчи навбатда барча тармоқларда ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш асосий вазифадир.

Хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий негизи эканлигини ҳар биримиз яхши биламиз.

Бу борада ўтган йилларда вилоятда бирмунча ишлар қилинди. Шаҳар ва туманларда мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилди. Аммо очиғини айтиш керак, ҳозиргача қилинган ишлар кутилган натижалар бергани йўқ. Афсуски, айрим туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари, мажмуаларнинг раҳбарлари бу соҳадаги ислоҳотнинг моҳиятини ҳалигача тушуниб етмаяптилар. Улар ҳаётимиз кундан-кунга ўзгараётганини, одамларнинг дунёқараши ва онги ўсиб бораётганини ҳис этмаяптилар.

Масалан, ўтган йили вилоятда бор-йўғи етти марта ким ошди савдоси ўтказилди. Уларда умумий қиймати 13152,5 минг сўмлик 47 та иншоотлар сотилди. Ўз салоҳияти жиҳатидан республикада салмоқли ўрин тутадиган вилоятимиз учун бу кўрсаткич ҳеч кимни қаноатлантирмайди. Айни пайтда ўтказилган ким ошди савдоларига Олмалиқ шаҳридан, Бекобод, Пискент, Зангиота, Қибрай, Қуйичирчиқ, Оққўрғон туманларидан бирорта ҳам объект қўйилмади. Оҳангарон шаҳрида, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Чиноз туманларида эса номигагина биттадан объектлар қўйилди, бироқ улар ҳам сотилмади. Ваҳоланки, бундай объектлар ҳамма шаҳар ва туманларда бор. Бироқ биз ҳалигача мулкни эгасига беришда суньий тўсиқлар, буйруқбозлик, масъулиятсизлик ҳолларидан қутула олмаяпмиз. Акс ҳолда вилоятда қурилиши тугалланмаган юздан ортиқ объектлар бўлгани ҳолда, ўтган бир йилда уларнинг бор йўғи 19 таси сотилармиди? Бунинг сабаби маълум. Жойлардаги раҳбарларимиз ишни давр руҳига мос равишда ташкил қилмаяптилар.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларга кенг йўл очиб бериш, хусусийлашган корхоналар, ташкил қилинаётган кичик корхоналар оёққа туриб олиши учун кўмаклашиш ислоҳотларнинг асосидир. Шунинг учун вилоят сессиясидан кейинроқ, 14 январь куни Чирчиқ шаҳрида юқоридаги масалалар ечимини тезроқ топиш мақсадида тадбиркорлар билан учрашув ўтказилди. Уларнинг олдида турган тўсиқлар, қийинчиликлар, муаммолар нималардан иборат эканлиги ўрганилди. Қўйилган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинди. Очиқ ва ишчанлик руҳида ўтган бундай учрашувлар ўз самарасини бериши муқаррар.

Ана шу йиғилишда тадбиркорлар билан барча шаҳар ва туманларда ҳам учрашувлар ўтказиб, уларнинг олдида турган муаммоларни тезроқ ечиб бериш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишга қарор қилинган эди. Афсуски, бу муҳим тадбир Бекобод ва Бўстонлиқ туманларида қўнғилдагидек ўтмади. Туман ҳокимлари бу зарур тадбирни ўтказишга бош қўшмадилар.

Бундан буён биз замон талабига мос қадам ташламасак, замоннинг ўзи бизни четга суриб қўяди. Биз буни бугун тушуниб етмасак, эртага кеч бўлади, — деди вилоят ҳокими. — Шу нуқтаи назардан жойларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдаги тўрачиликни бир четга суриб қўйиб бу ишни ўз назоратимизга олайлик. Ишбилармонлар ва тадбиркорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг йўлида турган тўсиқларни олиб ташлайлик.

Вилоят ҳокими саноатдаги аҳволга тўхталиб шундай деди:

— Вилоятимиз саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республикада етакчи ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз сессияда бу тармоқдаги аҳволни ташвиш билан тилга олдилар. Ўтган йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1993 йилга нисбатан 7,3 фоизга камайди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ҳам кутилган натижаларга эриша олмадик. Халқимиз учун зарур бўлган товарлар миқдори 10,3 фоизга қисқарди.

Маълумки, вилоятимиз саноатининг истиқболи йирик корхоналар фаолиятига боғлиқдир. Шунинг учун эътиборни ушбу корхоналарнинг тўхтовсиз, бир маромда ишлашини таъминлашга қаратмоғимиз лозим. Ҳақиқатдан ҳам йирик саноат корхоналарида ислоҳотлар суст бормоқда. Айрим раҳбарларимиз изланиш, ички имкониятларни ишга солиш ўрнига турли баҳоналар излаб вақтни бой бермоқдалар. Бу борада Президентимизнинг сессияда билдирган фикрлари кўзимизни очиши керак. Эндиликда ғойибдан нажот кутиб, кимларгадир боқиманда бўлиб ривожлана олмаймиз.

Хусусан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ўз ишида тезроқ ўзгаришлар ясаши керак. Комбинатдаги мис бойитиш фабрикаси, рух, қўрғошин заводларининг фаолияти, Қалмоққир конидаги аҳвол тубдан яхшиланиши лозим.

Ўзбекистон металлургия комбинатида ҳукумат қарори билан бошланган қайта таъмирлаш ишлари тугалланиши, қўшимча имкониятлар ишга солиниши, эвазига янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак бўлади.

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида эллик миллион дона хўжалик лампочкалари ишлаб чиқариладиган ўнта линиянинг ҳаммаси ишга туширилиши зарур.

Умуман олганда, йирик саноат корхоналаридаги аҳволни тубдан ўзгартириш фурсати етди. Биз мамлакатимиз, жумладан вилоятимиз эртасини ўйласак, аввалги иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолганлигини баҳона қилмасдан корхоналарни маҳаллий хом ашёларга мослаштиришимиз лозим.

Республика Президенти вилоят Кенгаши сессиясида вилоятда 2500 та кичик ва хусусий корхона тузилганига қарамасдан, улардан биронтаси ҳам рақобатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эмаслигини айтиб ўтдилар.

Дарҳақиқат, 1995 йилда биз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришимиз керак. Ҳозирги давр, қолаверса, бозор иқтисодиётининг талаби ҳам рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Бу борада энг асосий эътиборни қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратишимиз лозим деб ҳисоблайман:

Биринчидан — бозор иқтисодиётига кириб бораётган эканмиз, саноат корхоналарини маҳаллий хом ашёларга мослаштиришимиз, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш, дунё бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспорт имкониятларимизни ошириш устида ишлашимиз керак.

Иккинчидан — жаҳондаги энг илғор технологияларни вилоятга кенгроқ жалб этиб, ташкил этилаётган қўшма корхоналарда имкони борича экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлашимиз лозим.

Учинчидан — қишлоқ туманларида саноатни, айниқса, қайта ишлаш саноатини ривожлантиришимиз, кичик-кичик корхоналар ташкил этиб, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлан-

(Давоми 2-бетда).

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТДА УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

тиришга, қўшимча ишчи жойлари яратишга ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан киришишимиз керак.

Капитал қурилиш, транспорт ва алоқа хизмати тизимларида ҳам ислоҳотларни чуқурлаштириш вақти келди. Капитал қурилиш соҳасида 1994 йилда бирмунча иш қилинган бўлсада, аҳвол ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Айниқса, қишлоқларни газлаштириш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи жуда муҳим ишдир. Шунинг учун ҳам Республика Президенти вилоят Кенгаши сессиясида бу масалага алоҳида тўхталдилар.

Бундан буён газ ва сув тармоқларини кенгайтириш учун республикадан ажратиладиган маблағга кўз тикиб ўтирмаслик керак. Бугунги кунда вилоят бўйича газлаштириш 69 фоизга, айрим туманларда эса 18-20 фоизга бажарилганлиги бизни мутлақо қониқтирмайди. Президентимиз тўғри айтдилар. Йўл қурилса — ободлик бўлади, газ келса ҳаёт тарзи ўзгаради, сув одамларга саломатлик бахш этади.

Шундай экан, биз бутун чораларни ишга солиб, 1995 йилдаёқ газ ва сув тармоқлари қурилишини кескин оширишимиз зарур. Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлари маблағ топиб, бу ишларни жонлантириши шарт. Бундай имкониятлар ҳамма жойда топилади. Бу ишларни пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айирбошлаш йўли билан керакли материалларни олиб келиб амалга ошириш мумкин.

Президентимиз вилоят кенгаши сессиясида қишлоқ хўжалигида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни кўрсатиб, бу тармоқда ислоҳотларни жадаллаштириш муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидладилар ва айни пайтда қишлоқ хўжалигидаги қолоқликни бартараф этишнинг аниқ йўл-йўриқларини кўрсатиб бердилар, — деди ўз сўзини давом эттириб вилоят ҳокими.

Туман ҳокимлари ва қишлоқ хўжалиги мажмуига раҳбарлик қилаётган ташкилотлар томонидан назоратнинг етарли эмаслиги, моддий техника таъминотидаги мураккабликлар, агротехника қоидаларига риоя этмаслик, чорвачиликка эътибор сусайтириб юборилганлиги туфайли экинлар ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлиги йилдан йилга пасайиб кетмоқда.

Асосий тармоқ ҳисобланган пахтачиликдаги натижалар сизларга маълум. Мана уч йилдан буён декабрь ойига қадар пахта терамиз, лекин режани бажара олмаймиз. Уч йилдан бери айни ерларни шудгорлайдиган пайтда, катта қийинчилик ва харажатлар эвазига теримни давом эттирамиз. Оқибатда ҳар йили каттагина майдонлар шудгор қилинмай қолиб кетмоқда.

Шунингдек, ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантириш август ойигача чўзиб юборилмоқда. Натижада ҳосилнинг пишиб етилиши асосан, октябрь ойининг иккинчи ярми ва ноябрь ойига тўғри келмоқда. Кейинги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, коллектор зовурларни тозалашга эътибор бермай қўйдик. Бу ҳол айниқса Бекобод, Бўка ва Пискент туманларида пахта ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, 1994 йилда Бекобод, Пискент, Янгийўл туманлари режаларини бажара олмадилар. Айниқса, бекободликлар бизни доғда қолдирди. Улар давлатга режадагидан 7,6 минг тонна кам пахта топширди.

Умуман олганда, 1994 йил деҳқончилик учун қулай келди. Баҳор ҳам, ёз ҳам, куз ҳам деҳқоннинг кутганидан яхши бўлди. Сув танқислигини сезмадик. Техника, минерал ўғитлар ва ёнилғи таъминотидаги муаммолар фақат бажармаган туманларда бўлгани йўқ. Сабабни навга тўнкаш ҳам ўринсиз. Чунки худди шу «Наманган-77» навини эккан Бўка, Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ туманларидаги айрим хўжаликлар режаларини анча ошириб бажардилар. Бу хўжаликларда ҳосилдорлик 26-29 центнерни ташкил этди. Хўш гап нимада бўлмаса? Бу саволга мен ҳурматли Президентимизнинг сўзлари билан жавоб бермоқчиман.

«... Давлат, жамоа хўжаликларининг номи, мулк шакли ўзгаргани билан, унинг моҳияти ўзгармаяпти. Ҳамон ўша раҳбар, қотиб қолган раҳбар, ўз бошқарув тизими билан жойида ўтирибди. Энг ёмони — ислоҳот йўлида тўсиқ, ғов бўляпти. Бунга барҳам берилмас экан, токи ҳар бир деҳқон ерга, ишлаб чиқариш воситаларига ўз мулким деб қараб, шунга яраша муносабатда бўлмас экан, мақсадга эришиш қийин».

Менимча, аҳволга бундан ортиқ баҳо бериб бўлмайди! Туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш услубига келсак, кўп ҳолларда улар раҳбарликни иқтисодий йўллар билан эмас, ҳамон буйруқбозлик, турли хил штаб ва комиссиялар тузиш, хўжаликларга вакиллар юбориб, хўжаликни ички ишларига аралашиш йўллари билан олиб бормоқдалар. Айниқса, хўжалик раҳбарларини тез-тез, баъзи ҳолларда ҳали бир йил ишлаб улгурмасдан асоссиз равишда алмаштириш ишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айтилган гаплардан хулоса шуки, Бекобод ва Пискент туманларининг қишлоқ хўжалигида ўтказаётган ислоҳотлари Президентимиз қўяётган бугунги талабларга мос келмайди.

— Пахтачилик бўйича фикрларимни якунлаб, шуни таъкидламоқчиманки, — деди Э. М. Рўзиев. — 1995 йил бу соҳада бурилиш йили бўлиши керак. Бунга биз ҳозирдан киришиб, экиш механизмларини 1 мартгача тайёрлаб қўйишимиз керак. Уруғликка алоҳида эътибор бериш зарур. Айниқса ўтган йилги хатони яна такрорламай, минерал ўғитларни, ғўза зараркунандаларига қарши керак бўладиган кимёвий воситаларни ҳозирдан ғамлаб қўяйлик.

Вилоят ҳокими вилоятда дон экинларидан юқори ҳосил олиш, умуман бу соҳада туб ўзгаришлар ясаш учун амалга оширилиши зарур бўлган ишларга алоҳида тўхталди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси аҳолини нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қоплаш мақсадида 1995-1996 йилларда бошоқли дон ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур қарорга асосан вилоятимизда 1995 йил ҳосили учун 115 минг гектар майдонга (бундан 88 минг гектари сувли) бошоқли дон экилиши керак эди. Лекин баъзи туманлар бу борада берилган топшириқни бажармадилар. Ишлаб чиқарилган ғалладан 150 минг тоннасини давлатга топшириш керак. Демак, суғориладиган ғалла майдонларидан 35-40 центнердан ҳосил олишимиз зарур.

Ўтган йили ҳар гектар суғориладиган ғалла майдонидан вилоят бўйича 15,6 центнердан ҳосил олинди. Айрим туманларда эса ҳосилдорлик бундан ҳам паст бўлди. Масалан, бўкаликлар 12,7 центнердан, пискентликлар 13,3, бекободликлар 14,0, чинозликлар 15,4, янгийўлликлар 16,0 центнердан ҳосил олдилар, холос.

Энди бундай ишлаб бўлмайди. Зиммамизда шу йилнинг ўзида ҳосилдорликни вилоят бўйича 2-2,5 баробарга, айрим туманларда ҳатто 3 баробарга оширишдек катта вазифа турибди.

— Лекин вилоят ҳокими сифатида мени олдимизда турган вазифанинг оғирлиги эмас, балки айрим туман ҳокимларининг ҳозирданоқ бу ишга масъулиятсизлик билан қараётганлиги ташвишга солмоқда, — деди сўзини давом эттириб маърузачи. — Улар ҳукуматимизнинг бу муҳим топшириғини сўзсиз бажаришни таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солиш эмас, балки «ғаллани топшириқда белгиланган майдонга эксак, бошқа экинларга ер етмайди, ғалла эккан айрим майдонларимиз шартли суғориладиган ерлар, шунинг учун бундай ерлардан ҳосил кам чиқади, ҳосилни етказамиз-у, ўриб олишимиз учун комбайн етишмайди» каби баҳоналарни рўкач қилмоқдалар.

Бундан буён бу масалада ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ. Шунинг учун ҳамма туман ҳокимлари вилоят ҳокимининг 1994 йил 20 октябрда ғалла экиш, ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш бўйича қабул қилинган қарорини сўзсиз бажарилишини таъминлашлари керак.

Бунга эришиш учун эса шу кеча-ю кундуздан бошлаб, суғориладиган ғаллазорларда парвариш ишларини кучайтириш, ғалла кўчатларини сақлаш, пайҳон қилинишига асло йўл қўймаслик, шу билан бир қаторда минерал ўғитлар билан озиқлантиришни белгиланган нормаларда бериш ва суғоришни ташкил қилиш муҳимдир. Президентимиз, давлатимизнинг ғалла ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш тўғрисидаги сиёсатини тушунмаган ёки тушунишни истамаган ҳокимлар ва раҳбарлар ўзини ҳам, бизни ҳам, ўзи раҳбарлик қилаётган туман халқини ҳам қийнамасин!

Вилоят ҳокими ўз маърузасида чорвачиликдаги аҳволни чуқур таҳлил этиб, бу соҳада тезроқ ўзгариш ясаш учун амалга оширилиши зарур бўлган ишларни шундай баён қилди.

— Чорвачилик оғир тармоқ бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Моллар бош сони камайиб кетмоқда, гўшт, сут топириш режалари бажарилмаяпти. Йилдан-йилга молларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетяпти. Менимча, бунинг асосий сабаби кейинги йилларда бу тармоққа эътибор бутунлай сусайиб кетганида. Бунинг устига айрим фермалар хусусийлаштирилгандан сўнг бу жамоаларга хўжалик раҳбарлари мутлақо аҳамият бермай қўйдилар. Улар дастлабки босқичда бир қанча муаммоларга дуч келди ва буларни ҳал қилиш имкониятини тополмадилар. Чорвачилик бундай аҳволга тушиб қолишининг асосий сабабларидан яна бири кейинги йилларда озуқа жамғариш кескин пасайиб кетди. Мол бош сонининг камайиши, подани зотли қорамоллар ҳисобига тўлдирмаслик, наслчилик ишларининг издан чиқиши ҳам тармоқнинг оғир аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлди. Агар туманлар бўйича чорвачиликнинг аҳволини таҳлил қиладиган бўлсак, бизни қаноатлантирадиган бирор-бир кўрсаткични келтира олмаймиз. Вазифа шундан иборатки, энг аввало, бу ишга мутасадди раҳбарлар, мутахассислар тармоқдаги аҳволни ўнглаш чораларини кўришлари лозим. Энг муҳими, бу соҳада ўтказилган ислоҳотларни охирига етказишимиз керак бўлади. Хусусийлаштиришдаги дастлабки хатоларимизни тузатишимиз лозим.

Вилоятимиз хўжаликлари зиммасига фақатгина вилоят халқини эмас, балки Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган аҳолини ҳам сабзавот, картошка, мева, узум ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш юклатилган, — деди сўзини давом эттириб маърузачи. — Шунинг учун ҳам Зангиота, Тошкент, Қибрай, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари сабзавотчиликка, картошка, узум ва мева етиштиришга ихтисослаштирилган. Тўғри, бу вазифани бажариш учун бу туман сабзавоткорлари ва боғбонлари бир мунча ишларни қилмоқдалар. Айрим хўжаликлар кўп йиллардан бери сурункасига сабзавотдан, мева ва узумдан юқори ҳосил олиб келмоқда.

Лекин вилоятда бу соҳаларда ҳам аҳвол талабга жавоб бермайди. Маълумки, 18 январь куни Президент ҳузурида бўлиб ўтган мажлисда бугунги куннинг энг долзарб масаласи — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш вазифаси атрофлича кўриб чиқилди.

Республика Президенти вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари олдига таъминот масалаларида ҳам боқимандалилик касалидан қутилиб, халқни боқиш масаласи билан жиддий шуғулланиш вазифасини қўйдилар. Айниқса вилоятдаги йирик саноат корхоналарининг имкониятларидан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди. Бу ҳаётий муҳим масала ҳар биримизни чуқур мулоҳазага, бу борада олиб бораётган ишимизни яна бир бор танқидий кўз билан қараб чиқишга ундаши керак.

Менимча, вилоят аҳолисини йил давомида керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун мавжуд ички имкониятлар ҳамда товар айирбошлаш йўли билан республика ташқарисидан олиб келиниши зарур бўлган маҳсулотлар тури ва миқдори аниқ ҳисоб-китобини ишлаб чиқадиган пайт келди.

Энди ҳокимларимиз аҳолига зарур бўладиган озиқ-овқатни ўзлари топиши керак. Ҳозирдан 1995 йил давомида аҳолининг таъминоти учун керак бўладиган, ҳатто келаси йил учун лозим бўладиган маҳсулотларни олиб келиш йўлларини излаши зарур.

Бу борада энг аввало, бунинг манбаларини ўзимиздан қидиришимиз керак. Шу нуқтаи назардан узоққа бормасдан 1994 йил якунларига бир назар ташлайлик.

Биз ҳаётимизнинг асосий манбаи ер эканлигини, кундалик ҳаётимиз унда етиштирилаётган маҳсулотларсиз ўтмаслигини яхши биламиз. Аммо, суғориладиган ерлардан олаётган маҳсулотларимиз миқдорига бир қарайлик! Вилоятимизда сабзавот, картошка, мева, узум етиштириш кейинги 10 йилда 2 баробар камайиб кетди. Аҳолимиз эса шу вақт ичида қарийб 300 мингга кўпайди. Фикримизнинг исботи учун биргина мисол келтирмоқчиман. Бундан 10-12 йил аввал У. Юсупов номидаги «Халқобод» ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳоли дастурхонига 40 минг тонна мева ва бошқа турдаги маҳсулотлар етказиб берар эди. Сўнгги йилларда эса бу кўрсаткич кескин пасайиб кетди. Янгийўл туман ҳокими Й. Тожибоев мазкур агрофирма ва хўжаликлар иш фаолиятини синчиклаб таҳлил қилиб, 1995 йилда мева, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриши керак. Аҳоли сони кўпайсаю, озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайиши ўрнига йилдан-йилга камайса. Бизни ким тушунади? Чорва молларининг маҳсулдорлигини айтмайсизми? Ҳар бир сигирдан 3000-3200 литр сут соғиб олаётган айрим туманлар бугунги кунда 1800-1200 литрга тушиб қолди. Ҳар 100 бош сигирдан 45-50 тадан бузоқ олаётган туман раҳбарларига нима дейиш мумкин? Бундай мисолларни маҳсулотларни бошқа турлари бўйича ҳам келтириш мумкин.

Кейинги 3-4 йилда экинчиликда фойдаланилаётган ерларимиз турли сабаблар билан оборотдан чиқиб кетмоқда. Тошкент шаҳри кенгайиши, уй-жой қурилиши, аҳолига кўплаб томорқа участкалари ажратилиши ҳисобига борган сари экин майдонлари қисқармоқда. Шундай пайтда ҳар гектар ердан олинаётган ҳосилни кўпайтириш энг муҳим вазифа бўлиши керак.

Олдинги йилларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилайлик, деган яхши ҳаракатлар бўлар эди. Ҳар йили бир оз бўлса ҳам ерларимизга ер қўшар эдик. Энди-чи, очиғини айтишимиз керак, ерлар талон-тарож бўлмоқда, томорқага ажратилган кўп ерлар фойдаланилмай ётибди. Айрим фермерларимиз турли баҳоналар билан қарамоғларидаги ерлардан жуда паст ҳосил олмоқдалар.

Шунинг учун биз бугун туман ҳокимларидан шу борада аниқ чоралар кўришини талаб қиламиз.

Вилоятимизда ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имкониятлари жуда кам қолган. Лекин бундай имкониятлар бутунлай йўқ эмас. Масалан, Паркент каналини давом эттириш ҳисобига 5-6 минг гектар ер ўзлаштириш мумкин. Келгусида ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш учун бу жуда катта омил бўлади. Бунинг учун Паркент каналини яна 4 км. масофага узайтириш зарур.

Вилоятимизнинг сув қурилиши ташкилотлари раҳбарлари, вилоят сув хўжалиги бошқармасидан (У. Муслимов) бу вазифани шу йилнинг ўзида бажариш чораларини кўришни сўраймиз. Бунга вилоятимиз шаҳарларидаги йирик қурилиш ташкилотларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар, деган умиддамиз.

Вилоят ҳокими ўз маърузасида вилоят иқтисодиётини барқарорлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштиришда раҳбарларнинг роли ва масъулияти катта эканлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

— Бозор муносабатларига ўтиш босқичида ислоҳотларнинг қай даражада амалга оширилиши кўп жиҳатдан раҳбарнинг малакасига, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишига, унинг ишбилармонлиги ва изланувчанлигига боғлиқдир, — деди у. — Республика Президенти вилоят Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида бу ҳақда батафсил гапирдилар. Айниқса, у киши раҳбарнинг инсоний фазилатлари тўғрисида кўп ибратли сўзларни айтдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Юртбошимизнинг бу фикрлари барчамизни чуқур мулоҳаза қилишга ундаши лозим. Вилоят ҳокимидан тортиб барча шаҳар ва туман ҳокимлари, катта-ю-кичик жамоаларга бошчилик қилаётганлар бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим.

Афсуски, аччиқ бўлса ҳам биз шуни тан олишимиз керакки, раҳбарларимиз орасида шамолнинг қайси тарафга эсишига қараб турадиган, имконият туғилса, пок ва ҳалол инсонлар шаънига турли хил бўхтонлар уюштириб, вазият ўзгариб қолса, ўша одамни осмонга кўтариб мақтайдиган, лаганбардор, иккиюзламачи кимсалар йўқ эмас. Уларнинг фикрича, гўё бундай маккорликни ҳеч ким сезмайди. Айрим замондошларимиз маънавиятидаги бундай иллатни йўқотиш учун курашмоғимиз лозим. Баъзи туман раҳбарлари, катта жамоаларга бошчилик қилаётганлар, шу кунгача ўз халқини ёлғон ваъдалар билан тўйғазиб келаётган бўлиши мумкин. Лекин ўтган сайловлар шуни кўрсатдики, халқимиз энди кимни-ким эканлигини билиб олди. Айрим туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳатто вилоят доирасидаги раҳбарлар сайлов тўғрисидаги қонун талабларига жавоб берадиган миқдорда овоз олишга эришсаларда, ўзи раҳбарлик қилаётган ҳудудда сайловчиларнинг 45-47 фоизи уларга қарши овоз берди.

Биз юқорида бу сафарги сайловларимиз аввалги сайловлардан тубдан фарқ қилди, дедик. Дарҳақиқат, энди сайловчи 2 ёки 3 номзоддан кимни ёқлаб овоз беришни ўзи ҳал қилади. Шу ўринда ўтган сайловларда шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарларидан 11 кишининг шаҳар ва туман кенгашларига депутат бўлиб сайланмаганлиги тасодифий воқеа эмас деб ўйлайман.

Сайловчи ўз шаҳар ва туманларига раҳбарлик қилаётган одамларни депутатликка сайламади. Улар бундай якундан норози бўлиб, унинг «айбдорларини» эмас, ўзларининг иш фаолиятидаги камчиликларни излаши керак.

— Айтилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, — деб сўзини давом этди Э. М. Рўзиев, — юқоридаги мураккаб вазифаларни муваффақиятли бажариш учун вилоят ҳокимлигида ҳам, шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳам иш услубларимизни қайтадан кўриб чиқишимиз лозим. Энг аввало, кадрларни тўғри танлашга катта эътибор берайлик. Ҳокимлик маҳкамаларига ёш, янгиликларга интиладиган, саводли, пок ва ҳалол инсонларни олишимиз керак. Энг муҳими, ўтиш давридаги мураккаб жараёнларга бардош бера оладиган, ўтказилаётган ислоҳотларимизга чин юракдан хайрихоҳ инсонларни танлайлик. Таъмагир, масалани ҳал қилмайдиган, жавобгарликдан қочадиган, изланмайдиган, малакасиз ходимлардан ҳоли бўлишимиз лозим. Биз шаҳар ва туман ҳокимларига ишонамиз. Аммо маҳкама аппаратида фойдали иш қилиш ўрнига жамоа аъзоларини бир-бирига қарши қилиб қўядиган, ўзининг калтабинлиги билан хайрли ишларимизга ҳалақит бераётган ходимлардан ҳеч иккиланмай соқит бўлайлик.

Мен бу гапларни шунинг учун айтмоқдаманки, шаҳар ва туманларда яхши ишчанлик вазиятнинг юзага келиши, аҳоли осойишталиги кўп жиҳатдан уларга раҳбарлик қилаётган ҳокимлик маҳкамаларида ишлаётган ходимларнинг ҳамжиҳатлиги, бир-бирига бўлган ўзаро ҳурмати ва самимий муносабатларига боғлиқдир. Ана шунда ишларимиз натижаси яхши бўлади. Яна бир мулоҳазамни айтмоқчиман.

Олдимиздаги мавжуд муаммоларни бартараф қилишнинг асосий омили кўплаб мажлис ёки кенгаш ўтказиш, бўлар-бўлмасга штаблар тузиш ёки жойларга комиссиялар юбориш эмас. Ҳамма раҳбарлар топширилган иш участкасида ўзининг ишини билиб қилиши керак. Демоқчиманки, биз бундан буён мустақил фикрлайдиган, масъулиятдан қочмайдиган, халқ дарди билан яшайдиган ҳалол раҳбарлар билан ишлаймиз.

Вилоят ҳокими шунингдек, вилоят халқ хўжалигининг бошқа тизимларида ҳам ислоҳотларни чуқурлаштириш, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, халқ таълими, аҳолига тиббий, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишларимизни яхшилаш борасида ўз фикр мулоҳазаларини билдирди.

— Мен республика Президентининг вилоятимиз Кенгаши сессиясида ҳамда 18 январь куни Президент ҳузурида ўтказилган мажлисда сўзлаган нутқларида баён этилган хулосалар ва иш фаолиятимиздаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича берган кўрсатмалари асосида вилоятимиз раҳбарияти, меҳнаткашлари ва депутатлар олдида турган энг муҳим вазифаларимиз тўғрисида тўхталиб ўтдим, — деди ўз сўзини якунлар экан Э. М. Рўзиев. — Албатта, юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун ҳар бир киши хавотирланмай, кўнглини жойига қўйиб ишлаши учун барқарор муҳит бўлиши даркор. Биз сиз билан биргаликда ана шундай муҳитни ярата оламиз.

Яна бир бор шу нарсани таъкидламоқчиманки, бизнинг ҳамжиҳат бўлиб ишлашимиз, айниқса халқнинг юксак ишончига сазовор бўлган депутатларнинг ўзлари фаолият кўрсатаётган иш жойларида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилиши, жойларда ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатни амалга оширишнинг ташкилотчилари бўлиши жуда муҳимдир.

Ўйлайманки, депутатларимиз, фаолларимиз вилоятимизнинг бундан кейинги тақдирига бефарқ қарамайдилар. Биз биргаликда сайловчиларнинг ҳоҳиш иродаларини амалга ошириб, вилоятимиз иқтисодиётини барқарорлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқимиз ҳаётини фаровонлаштириш йўлида олдимизда турган барча вазифаларни бажарамиз.

Шундан сўнг музокаралар бошланди.

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган масала, — деди маъруза юзасидан биринчи бўлиб сўз олган 14-сайлов округидан депутат, Чирчиқ шаҳар ҳокими Д. АЗИЗХЎЖАЕВ — ўта долзарб бўлиб, у ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлидаги режаларни аниқ, равшан белгилаб олишимизда муҳим аҳамият касб этади. Биз яқинда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиясида Президентимизнинг вилоят сессиясидаги нутқларини атрофлича муҳокама этиб, ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олдик. Унда қайд этилган вазифалар юзасидан тадбирлар белгиланди.

Д. Азизхўжаев бу режалар мазмунида молиявий интизомни янада яхшилаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, маҳаллий ҳом ашёдан фойдаланган ҳолда йирик корхоналарнинг узлуксиз ишлашини йўлга қўйиш тўғрисида ва бошқа масалалар хусусида тўхталар экан, бу соҳаларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таъминотни яхшилаш йўлида шаҳарда ҳали кўп иш қилиш зарурлигини таъкидлади.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Олий мажлиси депутати, Бекобод тумани ҳокими М. РАСУЛОВ туманда бир қатор соҳалар бўйича натижалар дуруст бўлганлигига қарамай, асосий кўрсаткичлар бажарилмаганлигини, қатор камчиликларга йўл қўйилганлигини эътироф этди.

— Маърузада туманимизда тадбиркорликка етарлича эътибор берилмаётганлиги тўғрисидаги танқид ўринли бўлди, — деди у. — Шу боисдан ҳам ўз фаолиятимизга бугун бошқача ёндошяпмиз, 1995 йил учун аниқ режалар белгиланди. Бундан буён ерга муносабат ўзгараётганлигини, кадрларга талабчанлик ортиб, иқтисодиётда, ижтимоий ҳаётда туман мавқеини тиклаш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

— Ислоҳотлар амалий натижаларда ўз ифодасини топмоқда, — деди 49-сайлов округидан депутат, Чиноз наслчилик жамоа хўжалиги раиси Т. ОМАРОВ, — бизда ҳозирги пайтда 4 та фермер хўжалиги, 3 та оилавий пудрат асосида ишлаётган звенолар мавжуд. Мулкчиликнинг бу шакли ўзини оқлаяпти.

Ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш 1994 йилда 1993 йилга нисбатан кўпайди. Хўжаликда чорвачилик соҳасида бошқарувнинг янги шакли вужудга келгач 300 одам қисқарди. Уларнинг аксарияти хўжаликда ташкил қилинган «Чевар» кичик корхонаси, сутни қайта ишлайдиган цех ва бошқа кичик корхоналарда ишлай бошладилар. Лекин қилинган ишлар етарли эмас. Ҳали хўжаликда чорва моллар маҳсулдорлигини ошириш, бошқа соҳаларни ривожлантириш учун кўп иш қилиш керак. Биз олдимизга қўйилган вазифалардан тегишли хулоса чиқариб оламиз.

Сессияда сўзга чиққан 9-сайлов округидан депутат Ю. Н. БЕЛАНОВ ўз нутқини Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олдинги сессияларида Президентимиз нутқида баён этилган вазифаларни бажаришга шаҳарда изчил киришилганлигидан бошлади. Шу кунгача Олмаликда мавжуд 25 корхонадан 13 таси хусусийлаштирилди. Бу йўл корхоналарни иқтисодий тангликдан чиқариш омили бўлиб қолаётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шаҳарда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар, цехлар, йирик корхоналар филиаллари ташкил этилмоқда.

Режаларга кўра бу йил шаҳарда четдан келтириладиган моллар 50 фоизни ташкил этиши керак. Четга маҳсулот чиқариш эса икки баравар ортади. Турар жойлар қуриш кўпаяди. Ўтган йили 1200 хонадон газлашган бўлса, бу йил бу кўрсаткич яна ортади. 20 километр масофага водопровод қувурлари ётқизиш мўлжалланган.

Шу билан биргаликда у шаҳарда ислоҳотларни чуқурлаштириш, айниқса аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳали кўп иш қилиниши кераклигини таъкидлади.

— Ўзгаришлар ҳамма жойда, шу жумладан соғлиқни сақлаш тизимида ҳам рўй бермоқда, — деди 46-сайлов округидан депутат, Ўртачирчиқ тумани «Нажот» касалхонаси бош шифокори М. ЭРГАШЕВ, — хусусан, тумам муассасаларида даволашнинг янги шакллари — кундузги ва бир кунлик стационарларга ўтилиши муносабати билан касалхоналарда ўринлар сони 200 тага қисқарди. Тиббий хизмат халққа яқинлашди. «Соғлом авлод учун» олиб борилган ҳаракат яхши самаралар бера бошлади.

Нотиқ юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳақида ҳам сўзлади. Бу борада камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Жуда кўп жойларда ичимлик сув манбаалари муҳофаза этилмаяпти. Бу эса водопровод сувини истеъмол қилувчилар орасида ҳам касалликларга учраётганлигини, шунингдек, қишлоқларда «Тез ёрдам» хизматининг талаб даражасида эмаслигини айтди. Беморларни доридармонлар билан таъминлаш хусусида сўзлаб, бу масалани ҳар бир туман мустақил равишда ўзи ҳал этиши учун ички имкониятларни ишга солиши керак, — деди.

ҲАР САТРИДА МЕҲР БОР

(тақриз ўрнида)

Янги китоблар

Истеъдодли журналист, тарих фанлари номзоди Шавкат Миролимовнинг «Маҳалла меҳри» деб номланган китоби билан атрофлича танишар эканман, дилимда Ватан туйғулари жўш урди, шу Турон заминнинг фарзанди, она халқимнинг жигарбанди бўлганлигим билан фахрландим, юрт ишқида ёниш, унинг дастёри бўлиш буюк саодат эканлигига қаноат ҳосил этдим.

Дарвоқе, маҳалла — бу аждодларимиз киндик қони тўкилган табаррук тупроқ, авлодларимизнинг муқаддас ошёни, меҳрибон маскани. Маҳалла — бу, оила, ота-она, ёру-дўст, ўғил-қиз, ён қўшни-жон қўшнилар. Маҳалла бу мамлакатимизнинг пойдевори, жамиятимизнинг ишончли таянчи, мустаҳкам устунидир.

Шу боисдан ҳам республикамизда маҳаллаларга катта эътибор берилганлиги бежиз эмас. «Маҳалла» дастури ишлаб чиқилганлиги, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси тузилганлиги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» махсус Қонун қабул қилинганлиги, маҳаллалар фаолларининг хизматлари Ўзбекистон ҳукумати мукофотлари, нишонлари ва медаллари билан муносиб тақдирлаганлиги — бу ва бошқа ғамхўрликлар замирида катта инсоний муҳаббат ва қадр-қиммат ўз ифодасини топган.

«Маҳалла меҳри» рисоласи пойтахтда жойлашган маҳаллалар тарихи, ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида, ана шу қутлуғ ҳаракат ва мубораК «маҳалла» дастурининг фидойи ижрочилари маҳалладош карвонбошилар тўғрисида ёзилган тўнғич китоб бўлганлиги учун ҳам қимматли ва аҳамиятлидир.

«Маҳалла меҳри» мундарижаси ҳам, тузилиши ҳам эътиборни жалб этмай қолмайди. Бир неча боб, ҳикоялардан иборат тўплам мазмуни аниқ мақсадга бўйсундирилган, муштарак матлабни мадҳ этади. «Ватан ичра Ватан», «Остонаси тилло юрт» каби бўлимларда муаллиф китобхонни Ўзбекистон тарихига, пойтахтнинг ўтмишига етаклайди, маҳаллаларнинг номлари, ўтмиши, ота-боболаримиз бой маънавий дунёси билан таништиради, ўз фикр мулоҳазаларини тарихий манбалар, далилларга таяниб асослаб беради, йиллар асрлар ўтиши билан воқеа-ҳодисалар, меросий бойликлар авлодларимизнинг маънавий мулкига айланишига ишонтиради. Рисоланинг «Қадриятлар қадри» бўлими удум анъаналаримиз, байрамларимиз, миллий маросим, урф-одатларимиз ҳақида ҳикоя қилади. Маҳаллаларда «Наврўз», «Меҳржон» каби байрамлар, уларнинг тарихи ва миллий маросимларнинг кенг жамоатчилик томонидан нишонланиши, умумхалқ тантанасига айланганлигини жонли мисоллар, қизиқарли ҳикоялар, ишонарли далиллар орқали тасвирлаб беради.

«Карвонсиз йўл бўлмас, оқсоқолсиз эл бўлмас»— ўзбек халқининг бу мақолида катта ҳақиқат бор. «Ватан ичра Ватан» — маҳаллалар тақдири учун курашадиган, осойишталиги, фаровонлиги учун жиддий ҳаракат қиладиган киши — муҳтарам оқсоқолдир»— деб алоҳида таъкидлайди муаллиф. «Маҳаллани ким бошқаради?» бўлимида ана шу саволга аниқ, ишончли жавоб топамиз.

Китобда маҳаллалар жамғармалари, бу ҳаракатнинг фидойилари, оқсоқоллари, маҳаллалар фаоллари ҳақида самимий сўз юритилади. Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи, милиция генерал майори Комилжон Ғофуров (Оллоҳ раҳмат қилсин), тарих фанлари доктори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, республика ўқитувчилар уйи директори Қодирхўжа Фозилхўжаев, республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси, йирик олим Шукур Темуров, Тошкент шаҳар имом-хатиби Абдурахим Раҳматулло ўғли, Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласи оқсоқоли Сайфулло Оқмирзаев, Фирдавсий номли маҳалла оқсоқоли Ғофур Ғиёсов, Юнусобод тумани «Янги ариқ» маҳалла оқсоқоли Кабир Комилов, Ҳамза тумани «Маҳалла» жамғармаси сардори Неъматжон Ҳасанов, Собир Раҳимов туманидаги Абдулла Набиев номли маҳалла оқсоқоли, халқ севган ардоқли санъаткор Ғани Аъзамов, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Ҳайрулло Саъдиев, «Маҳалла» газетасининг ташаббускори — тахририят раҳбари «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири, халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов, Яккасарой туманидаги «Яккасарой-1» маҳалла оқсоқоли, Ўзбекистон халқ хофизи Ориф Алимахсумов ва бошқалар ҳақидаги жонли ҳикоялар, бадиий лавҳалар, ҳужжатли тарихий ёдномалар китобхонда илиқ таассурот қолдиради.

«Маҳалла меҳри» китоби фақат Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоят маҳаллаларидаги фаолияти ҳақида ёзилган асар деб баҳолаш фикридан йироқдамиз. Тўплам мундарижаси, жу

СУҒУРТА ТАШВИШНИ ЕНГИЛЛАТАДИ

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамаси ўтган йил 30 декабрда «Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва ўзи юрар машина ва механизм эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу ҳужжатга мувофиқ, республикада шу жумладан вилоятимизда ҳам ҳар бир транспорт воситаси, ўзи юрар машина ва механизмлар эгалари учун давлат мажбурий суғуртаси жорий қилинди. Бу суғурта идоралари фаолиятида янгиликдир. Ана шу янгиликнинг моҳияти, кўзда тутган мақсадлари ҳақида махсус мухбиримиз вилоят Давлат суғурта бошқармаси бошлиғи Х. Р. УМАРОВ билан суҳбатлашди. Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Ҳикматилла Рихсиевич, шу йилнинг 1 январидан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан республика ҳудудида транспорт воситалари ва бошқа ўзи юрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртаси жорий этилди. Илгари суғуртанинг бундай тури мавжуд эмас эди. Шу боис янги жорий қилинган суғурта ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз.

— Дарҳақиқат, мазкур суғурта илгари бизда мавжуд бўлмаган. Лекин бошқа кўпгина мамлакатларда синовдан ўтган бўлиб, йўл ҳаракати иштирокчиларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда энг самарали усул эканлигини кўрсатди. Айтайлик, икки автомашина ҳайдовчиларидан бирининг айби билан тўқнашув содир бўлди. Жабрланувчининг машинасига ҳам, саломатлигига ҳам зиён етди. Бундай тўқнашув айбдори агар жиноят содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилиши билан бирга, фуқаролик қонунчилигига биноан етказилган зарарни қоплайдиган даражадаги маблағни жабрланувчига тўлаш учун ҳам жавобгардир. Фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртаси асосида ўзини суғурта қилдирган машина эгаси бундай ҳодиса мабодо рўй бергудек бўлса, етказилган зарарга тўлаши керак бўлган маблағнинг маълум бир қисмини давлат суғурта органларига юклаган бўлади. Бу айбдор ҳайдовчининг аҳволини бирмунча енгиллатади. Жабр кўрган томоннинг шахси кимлиги, моддий аҳволи қай даражадалигидан қатъий назар, мажбурий суғурта қонунига кўра унга маълум миқдордаги пулни суғурта органи тўлайди. Бундай шартнома транспорт воситаси эгаси билан давлат суғурта органи ўртасида тузилади-ю, лекин зарар кўрган машина эгаси учинчи шахс сифатида намоён бўлиб суғурта ёрдами унга кўрсатилади.

— Шу кунгача давом этиб келган тартиб бўйича авария пайтида жабрланувчи манфаатларини қонун ҳимоя қиларди. Суд машинага, унинг ҳайдовчисига етказилган зарарнинг пулли миқдорини белгилаб бергач, айбдордан бу зарарга тўланадиган ҳақ ундириб олинарди. Шундай тартиб мавжуд бўлгани ҳолда, давлат мажбурий суғуртасини жорий этиш нима учун керак бўлиб қолди, деган савол туғилади.

— Чиндан ҳам саволингиз ўринли. Худди ана шу қонун талабларини амалда бажариш учун суғуртанинг бу тури жорий этилмоқда. Кўпинча авариядан кейин етказилган зарарни айбдордан ундиришнинг ўзи бўлмайди. Тўғри, қонун тўла ҳажмда ундиришни талаб этади. Шу билан биргаликда судга айбдорнинг моддий аҳволидан келиб чиқиб, бу тўловни камайтириш ҳуқуқи ҳам берилган. Масалан, авария айбдори ногирон ёки пенсионер бўлса, ундан зарарни тўла қоплайдиган маблағни ундириш анча мушкул. Давлат мажбурий суғуртаси бундай йўл ҳодисалари туфайли айбдорларга кўрсатилган одамийлик жабр кўрувчига нисбатан бағритошликка айланмаслигини кўзда тутади. Гоҳи пайтларда авария чоғида ҳайдовчи ҳаётдан кўз юмиш ҳолларини унутмаслиги керак. Шундай ҳолларда ҳалок бўлган одамнинг етказган зарарини қоплаш учун унинг кўпинча пули ҳам, мулки ҳам бўлмайди. Ёки суд томонидан озодликдан маҳрум этилган айбдордан етказилган зарар учун пул ундириш ҳам ўта мураккаб муаммо. Қолаверса, йўл транспорт ҳодисаси пайтида фақат айбдоргина эмас, унинг ойласи ҳам зиён кўради. Чунки авария содир этган одам ўзининг, ойласининг маблағидан ажратиб зарарни қоплаши керак-лигини ҳам унутмайлик. Шуни ҳам айтиш керакки, вилоятда транспорт воситалари, ўзи юрар машиналар, механизмлар сони ортиб бормоқда. Йўл транспорт ҳодисалари айни пайтда камаймаётганлиги ҳам афсусланарлидир. Кўпгина фуқаролар бунинг оқибатида жабр кўрмоқдалар. Транспорт эгаларига давлат мажбурий суғуртасининг жорий қилиниши, махсус суғурта жамғармасининг шаклланиши маълум даражада ана шу муаммоларни ҳал этади.

— Бу ҳақда гапирганингиз яхши бўлди. Бу давлат мажбурий суғурта жамғармаси қайси маблағлардан шакилланади?

— Фақат транспорт воситалари, ўзи юрар ҳамда механизмлар эгаларининг суғурта тўловларидан жамланади. Тўлов йилда бир марта тўланади. Транспортнинг тоифаси ва турига қараб унинг миқдори ҳуқуқий шахслар учун 50 сўмдан 100 сўмгача, жисмоний шахслар учун 50-75 сўмгача қилиб қонун асосида белгиланган.

— Нохуш ҳодиса рўй бергандa жабр кўрган одамга қанча тўланади?

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ жабрланувчи вафот этса, ойласига ёки қариндошларига кам ойликнинг 30 миқдоридаги, етказилган зарарни қоплаш учун эса кам ойликнинг 20 миқдоридаги маблағ тўланади. Бошқача айтганда жабр кўрувчига бугунги кундаги тартибга кўра 5 минг сўм тўланади. Албатта, жиддий авария содир бўлган бўлса, етказилган зиён ҳажми анча кўп бўлиши мумкин. Бундай пайтда суд ана шу зарар қўламини аниқлаб беради ва жабрланувчи давлат суғуртасидан олган маблағ билан суд белгилаган маблағ ўртасидаги фарқни айбдордан ундириб олади. Давлат суғурта идораси жабрланувчидан ариза тушиши билан 72 соат ичида тўловларни амалга оширади.

— Янги суғурта тури ҳайдовчиларда «давлат суғурта идораси кўрилган зарарни тўлайди» деган ҳаёлотни пайдо қилиб, улардаги масъулиятни сўндирмасмикан?

— Йўқ, янги суғурта асосида амалга ошириладиган бу тадбир ҳайдовчилардан маъмурий жавобгарликни ҳам, жиноий жавобгарликни ҳам истисно этмайди. Бу фақат ҳайдовчиларга давлат суғуртаси томонидан кўрсатиладиган моддий манфаатни кўзда тутади. Айни пайтда давлат суғуртаси ҳеч авария қилмай юрган, интизомли ҳайдовчиларни рағбатлантиришни ҳам режалаштирган. Уларга ҳар йили транспорт воситаси учун олинадиган суғурта миқдори камайтирилиши, аксинча интизомсизликка йўл қўйган ҳайдовчиларга эса суғурта тўлови миқдори оширилиши мумкин.

— Жабрланувчига суғурта маблағи тўланиши зарурлиги ва унинг миқдори қанча бўлиши кераклиги қандай тартибда аниқланади?

— Бу ишга давлат суғурта идоралари билан бирга давлат автомобиль назорати ходимлари, давлат қишлоқ хўжалик техникаси назорати вакиллари, тиббиёт муассасалари хизматчилари биргаликда жалб қилинадилар. Мажбурий суғуртани жорий этишга малакали мутахассислар, суғурта ходимлари анча аввалдан тайёргарлик кўришди. Ўйлайманки, Вазирлар Маҳкамасининг бу хусусдаги қарорини ижро этишда улар изчил фаоллик кўрсатадилар.

СУҒУРТА бошқармаси фаолиятидаги бу янгилик чиндан ҳам эътиборга лойиқ. Вилоят ҳудудидаги транспорт воситалари, барча машиналар, механизмлар ҳайдовчилари 1 сентябргача ана шу суғурта учун белгиланган миқдордаги маблағни жамғарма банкларда суғурта маҳкамаларида тўлашни амалга оширишлари керак. Бу тадбирларни изчил рўёбга чиқаришда шаҳар ва туманлардаги автокорхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ҳам суғурта идораларига ёрдамларини аямасликлари лозим бўлади. Айни пайтда давлат автомобиль назорати бўлимлари, тиббиёт муассасалари, қишлоқ хўжалик техникаси назорати хизматчилари бу ишда фаоллик кўрсатиш билан биргаликда, рўй берган ҳодисаларни адолатли, оқилона ҳал этишда суғурта ходимларига кўмаклашишлари зарур.

Суҳбатдош С. ҲАСАНОВ.

Суратда: Шредер номли боғдорчилик, узумчилик — виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси боғбонлари Атҳам Турғунов, Шавкат Ёдгоровлар ўзлари етиштирган ҳосилни кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҚИСКА АТРЛАР

● ИСРОИЛ ҳукумати Қуддус шаҳри атрофидаги яҳудийлар яшайдиган турар жойларни яна кенгайтиришга қарор қилди. Ушбу қарорга мувофиқ кейинги икки йил давомида яна 1000 та уй қуриш режалаштирилди. Аммо мазкур қарорга мамлакатдаги баъзи бир партиялар ҳамда фаластинликлар қарши чиқмоқда. Чунки, фаластинликлар Қуддусни ҳамма вақт Фаластиннинг пойтахти деб ҳисоблашади, дейилади шу мавзудаги хабарда.

● ЕВРОПА хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг Минск гуруҳи раисдоши, швециялик Андерс Бьюрнер Бокуда Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев билан учрашди. Учрашув чоғида А. Бьюрнер Тоғли Қорабоғда тинчликнинг сақланиб туриши Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш учун қулай шароит яратмоқда, деди. Ўз навбатида, Озарбайжон томони Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди.

● ИОРДАНИЯ билан Фаластин ўртасида бўлиб ўтган икки кунлик музокаралардан сўнг ўзаро ҳамкорлик бўйича 7 та ҳужжат имзоланди. Ҳужжатларни Фаластин миллий маъмурияти раиси Ёсир Арафот ва Иордания Бош вазири Зайд Бин Шакер имзоладилар. Ҳужжатларда маориф, маданият, ахборот, банк ишлари, савдо-сотиқ, транспорт ва алоқа соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

● ХАЛҚАРО Валюта Жамғармаси вакили Комбоджа иқтисодиёти сезиларли даражада ўсаётганини айтди. Унинг Комбоджа иқтисодиёти ва молиявий аҳволига бағишланган маърузасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1994 йилда 5 фоиз ўсган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 7 фоизни ташкил этар экан. Пул қадрсизланишининг ўсиши эса 20 фоиздан 10 фоизга тушар экан.

● РОССИЯ Федерацияси чегарачилари Тожикистон — Афғонистон чегараси яқинида кўп миқдорда гиёҳванд моддалар, курол-аслаҳа ва хорижда ишлаб чиқарилган портлатиш воситаларини топиб олдилар. Чегарачиларнинг хабар беришича, ушбу хавфли моллар чегарабузарлар томонидан яшириб қўйилган. Айни пайтда, чегарабузарларни қўлга олиш чоралари кўрилмоқда.

● ДУНЁДА энг саводсиз шаҳар Бразилиядаги Сиймонс шаҳри экан. Текширишлар шуни кўрсатдики, Сиймонс шаҳрида 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 75 фоизи ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди. 2000 йилга келиб Бразилияда 18 га тўлмаганлар ичида саводсизлар 25 миллион кишини ташкил қилар экан.

(ЎзА).

Чорва қишлови қандай ўтмоқда?

СУТ СОҒУВЧИЛАР ХАСРАТИ

ЭРТА тонгда «Ғаллақудуқ» давлат хўжалигининг сут-товар фермасига борганимизда сигир соғувчилар ҳали иш бошламаган эди. Иш бошлангунча ферма мудири Сулаймон Ўджаров билан суҳбатлашиб турдик. Унинг гапига қараганда хўжалик ўтган йили режада белгиланганидек 82 бош бузоқ олиб, буюртмачиларга 222 тоннадан зиёдроқ сут топширган. Жами 80 бош соғин сигирнинг ҳар биридан йил давомида ўрта ҳисобда 2600 килограммдан сут соғиб олинган. Чунки, — дейди Сулаймон Ўджаров, — сигирларнинг кўпи биринчи марта бузоқлади, айрим сигирлар эса тезда сутдан чиқиб қолди.

Ҳозир фермада 156 бош сигир парвариш қилинмоқда. Уларнинг юз бошидан сут соғиб олинаётир. Ҳали яна сутга кирадиган сигирлар бор. Бироқ, шу кунларда ферма бўйича ўрта ҳисобда ҳар куни 492 килограмм сут соғиб олинмоқда. Бу — ҳар бош сигирга атиги 5-6 литрданга тўғри келади. Ваҳоланки, сигирларнинг деярли ҳамаси наслдор, маҳсулдор моллар ҳисобланади.

— Бунинг сабаблари кўп, — дейди сут соғувчи Бахтигул Бегматова, - мен бу ерда кўпдан бери ишлайман. Фермамизда ҳеч қачон аҳвол бундай ночор бўлган эмас. Биз ҳанузгача бир литр соғилган сут учун қанча ҳақ тўланишини билмаймиз. Ўтган ойда ҳар бир сигир соғувчи атиги 182 сўмдан ойлик маош олди. Бу ерда сигир соғувчилар ва мол боқарлар учун иссиқ овқатлар тайёрланмайди. Ахир фермамизда ўттизга яқин одам ишлайди-ку! Майли, тушликни уйда қилайлик, лекин, эрталаб ва кечқурун жиндай тамадди тайёрлаш мумкин-ку! Бу ерда дам олиш, хордиқ чиқариш, маданий-маиший тадбирлар ўтказиш хоналари аллақачон йўқ бўлиб кетган. Ҳар бош сигирдан камида 9-10 килограммдан сут соғиб олиш учун соғин сигирларнинг бир кунлик ем-хашаклари камида 54-56 килограммни ташкил этиши керак. Лекин, фермада йил бошидан, аниқроғи, чорва қишлови бошлангандан бери сигирларга мўлжалдаги озуқа берилмайди. Айтишларича, кимларнингдир айби билан фермадаги ғарам-ғарам хашаклар қуздаёқ ёниб кетган экан. Ем аралашмасидан қилинган атала ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас, ширали озуқа экинлари эса хўжаликда ўтган йили мутлақо экилмаган, қунжара келтирилмайди. Шунинг учун ҳам бу ерда сигирлардан сут соғиб олиш пасайиб кетаётир.

Ҳозирги кунда умуман хўжаликда 20 тонна беда пичани, 49 тонна маккажўхори силоси қолган. Агар тез кунларда сенажларни очиб, уларни силос билан аралаштириб, соғин сигирларга едириш ташкил этилмаса, аҳвол бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин.

«Ғаллақудуқ» давлат хўжалиги бундан бир неча йиллар аввал Оҳангаронда донг таратган хўжалик сифатида тилга олинар эди. Унинг илгариги шуҳратини тиклаш билан бугун ким шуғулланади?

Мўмин ҚАЮМ,
жамоатчи мухбир.

ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

«СЕФЕ» ДАСТУРИ БЎЙИЧА

ТОШКЕНТДА КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЁРДАМ БЕРУВЧИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Янги марказни Ўзбекистон ишбилармон аёллари ассоциацияси, республика тадбиркорлар уюшмаси, давлат истиқболстат қўмитасининг ўқув-консальтинг маркази Олмония техник ҳамкорлик жамияти ва «Лусо Консулт» фирмаси ҳамкорлигида таъсис этдилар.

Янги ташкилот «СЕФЕ» дастури бўйича иш олиб боради. Олмония техник ҳамкорлик жамияти ташкил қилган бу дастур 80-йилларнинг бошида дастлаб миллий дастур сифатида Непалда, шундан сўнг кўп ўтмай Шри-Ланка ва Тайландда қабул қилиниб, тадбиқ этила бошлаган эди. «СЕФЕ» дастури янгиликларга бойлиги, оддийлиги, мослашувчанлиги, тежамкорлиги ва арзонлиги билан жаҳонда тез танилди. Ҳозирги вақтда «СЕФЕ» Осиё, Африка, Америка ва Оврупода, жами 35 дан ортиқ мамлакатда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Унинг дастурига мувофиқ ишбилармонлар корхоналарнинг очилиш жараёнида қатнашадилар, ўз ғояларини тасдиқдан ўтказгач, ресурслардан фойдаланиб, бозор рақобатига кирадилар ва ҳеч қоқилмай ривожланиш йўлидан борадилар.

«СЕФЕ» дастури тадбиркор ва ишбилармонларга нимаси билан қимматли? Бу ҳақда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи марказ Бош директори Ўнғор КУДРАТОВ қуйидагиларни маълум қилди:

— Мазкур дастур кичик ва ўрта бизнеснинг малакали ҳамда самарали йўналишларини ривожлантиришга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кишилар учун мўлжалланган-дир. «СЕФЕ» дастури педагогиканинг энг янги принциплари билан шахс психологиясини ишлаб чиқариш иқтисодиётининг назарияси асосларига қўшиб олиб боради. У тадбиркор шахси билан ишбилармонлик сифатларини диққат марказига қўяди. Тадбиркорлар бозор иқтисодиёти шароитида пайдо бўладиган хилма-хил муаммоларни ана шу дастур услуби билан муваффақиятли ҳал эта оладилар.

Бизнинг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи марказимиз бир неча йўналишлар бўйича иш олиб боради. Жумладан, тадбиркорликни энди бошламоқчи бўлганлар учун бу соҳага қадам қўяётганларнинг тўрт ҳафталик ўқуви, бизнесни очиш бўйича, тадбиркорларнинг билимдонлигини ривожлантириш бўйича, лойиҳа танлаш бўйича бир ҳафталик ўқувлар ва бизнес режаси тузиш бўйича икки ҳафталик ўқув ташкил қилинади.

Айни вақтда мавжуд тадбиркорлар бухгалтерлик ҳисоби бўйича, кичик бизнес менежменти бўйича, бизнес-режани тузиш бўйича, маркетинг бўйича 1-2 ҳафта мобайнида ўқитиладилар. Ўқиш кундузи ҳам, кечки пайтларда ҳам олиб борилади.

Марказ таълим бериш дастурларидан ташқари консальтинг хизматлари кўрсатади ва тақдим этиш курслари ўтказади.

Янги марказ барча тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланиш иштиёқида бўлганлар билан ҳамкорлик қилишга, уларга ёрдам кўрсатишга тайёрдир. Марказ Тошкентдаги Буюк ипак йўли кўчаси, 42-уйга жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлигининг (НАРУНИИ) бош директори, профессор Б. М. ТУРСУНОВ:

ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Бизнинг агентлигимиз мамлакат иқтисодига чет эл капитали ва хорижий технологияларини жалб этиш билан шуғулланади. Хорижий давлатлар, ҳуқуқий шахслар, халқаро ташкилотлар, шунингдек чет эл фуқаролари республикмизда хорижий инвесторлар сифатида фаолият кўрсатиши мумкин. Уларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвесторлар ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни билан ҳимояланган.

Миллий агентлигимиз хорижий мулкдорларга офис танлаш, кўргазмалар ташкил этиш, республика қонун-қоидалари тўғрисида тушунчалар бериш, ўзлари ҳоҳлаган корхона, савдо ташкилотлари ҳамда бошқа мутасадди муассасалар раҳбарлари билан музокаралар олиб бориш каби ишларда яқиндан ёрдам беради. Ўзбекистон қонунларида маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун бир хил шароит яратиб берилганлиги чет элликларнинг эътиборини қозонмоқда.

Ҳозир республикамизда хорижий шериклар билан ҳамкорликда 1400 дан зиёд қўшма корхоналар барпо этилди. Қўшма корхоналар акцияларига эгалик қилишда хорижий шериклар учун белгиланган чегаралар олиб ташланганлиги ҳам чет эл капитали иқтисодимизга дадил кириб келиши учун қулай имкониятлар яратди. Бугунги кунда баъзи қўшма корхоналарнинг 30 дан 70 фоизга яқин акциялари хорижий шериклар қўлидадир.

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кўмитаси томонидан бир неча халқаро дастур лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Уларни амалга оширишга БМТ Оврупо Ҳамдўстлиги Комиссияси, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги, Олмония техника маркази каби йирик нуфузли халқаро ташкилотлар бош қўшмоқдалар.

Бизда чет эл сармоядорларини ҳамкорлик қилишга даъват этувчи қатор соҳалар мавжуд. Кўмир, нефть ва газ саноатини ривожлантириш, машинасозлик ва металлургия комплекси, автомобилсозлик, хом ашё ва маъданлар қазиб олишни йўлга қўйиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш каби тармоқлар шулар жумласидандир.

Ҳозир республикамизда «ДЭУ корпорейшн», «Ренк коероко», «Бурсель», «Буллер», «Мерседес-Бенц», «Кока-кола», «Пепси-кола», «БАТ-интветментс» каби жаҳоннинг машҳур фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Бу корхоналарнинг дастлабки маҳсулотлари республикамиздагина эмас, балки хорижда ҳам ўзининг рақобатга бардошлиги билан эътиборга тушмоқда.

Яқин келажакда хорижий шериклар билан саноатнинг асосий тармоқларида қайта жиҳозлаш ва юздан зиёд янги корхоналар қуриш ишлари режалаштирилган. Жумладан, пахтачилик саноати, Сирдарё электр станцияларини қайта жиҳозлаш, мебель ва сантехника заводлари қуриш мўлжалланмоқда.

Янги техника ва технологияни бошқариш учун албатта малакали мутахассислар зарур. Ҳозир кўплаб ёшларимиз Туркия, Олмония, АҚШ, Қурия каби мамлакатларда ўқиб, малака оширмоқдалар. Ватан тараққиёти ана шу ёшлар қўлидадир.

Ишончим комилки, тез орада ана шу режаларимиз амалга оша борган мамлакатимиз тараққиёт сари юз тутиб, турмушимиз фаровонлашади. Бунинг учун энг муҳим омил, юртимиздаги тотувлик, халқимизнинг келажакка умидворлик билан қилаётган самарали меҳнатидир.

Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги (НАРУНИИ)

СЎРОВНОМАСИ

Хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар ташкил этиш, ўз корхоналарига чет эл сармояларини бевосита жалб этиш ва чет эл компаниялари билан ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётган корхона, компания ва ташкилотлар ушбу сўровномани тўлдириб қуйидаги манзилга жўнатишлари лозим:

Тошкент, Мустақиллик майдони, 6. Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк ва хорижий сармоялар Миллий агентлиги (НАРУНИИ)

Ушбу маълумотлар Миллий агентлик маълумотлар мажмуасига киритилиб, хорижий фирмаларга таклиф этилади. Агар хорижий фирмалар Сизнинг таклифингизга қизиқиб қолсалар, биз Сизни ўша фирма вакиллари билан музокаралар олиб бориш учун учрашувга таклиф этамиз.

Сизнинг маълумотларингиз!

Ташкилот номи_____

Манзили:_____

Телефон (код ва номер):_____

Раҳбар (исми-шарифи)_____

Корхона фаолияти_____

Маҳаллий ташкилот томонидан:

Корхона биноси:_____

Дастгоҳлар:_____

Технология:_____

Илмий ечимлар:_____

Хом ашё ва материаллар:_____

Пул маблағлари:_____

Бошқа нарсалар:_____

Хорижий фирмадан Сизга нима керак?

Дастгоҳлар:_____

Технология:_____

Қурилиш ишлари:_____

Ишчилар малакасини ошириш:_____

Хом ашё ва материаллар:_____

Пул маблағлари:_____

Бошқа нарсалар:_____

Ташкил этиладиган қўшма корхона қандай фаолият билан шуғулланади:_____

_____ «_____» _____ 199 й.

раҳбар имзоси ва муҳр

Барча масалалар бўйича НАРУНИИнинг қуйидаги телефонларига мурожаат этишингиз мумкин:
(3712) 39-42-05; 39-48-42.

«НАРУНИИ-консалт»

Тадбиркорларга қуйидагича хизмат кўрсатади:

— мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, шунингдек мулк шаклини ўзгартириш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаб беради;

— хусусийлаштирилаётган объектлар қийматини аниқлашда кўмаклашади;

— тақдим этилган ҳужжатларни кўриб, кредит олиш учун хулоса беради;

— ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хусусийлаштириш учун ҳужжатлар тайёрлаб, уларни зарур идоралар тасдиғидан ўтказиб бериш бораспда маслаҳатлар беради:

Телефон: 39-42-05.

«НАРУНИИ — кўчмас мулк»

Маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга қуйидаги хизматларни кўрсатади:

— харидорларга мавжуд турар-жой ва бошқа кўчмас мулк объектлари ҳақида маълумотлар беради;

— кўчмас мулкни харид қилиш ёки ижарага олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашади;

— хорижий фуқароларга кўчмас мулкларни олди-сотди қилиш ва ижарага олиш масалаларида тўла ҳуқуқий нотариал хизматларини ташкил этади.

Телефон 39-48-42.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1995 йил 1 февраль • № 9 (10.685)

СПОРТНИ ОММАВИЙЛАШТИРИШ — БОШ ВАЗИФАМИЗ

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳром ҒАФУРОВ билан мулоқот

— Баҳромжон, мана сиз вилоятда спорт ишларига бевосита мутасадди, яъни раҳбарсиз. Жисмоний тарбия ва спорт ишлари қай аҳволда, унинг ютуқлари ва бажарилиши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида фикрлашишдан олдин, суҳбатимизни шахсан ўзингиз, қолаверса оила аъзоларингизнинг спортга бўлган муносабати ҳақидаги савол билан бошламоқчи эдим.

— Биласизми, ҳар бир раҳбар, ҳоҳ у катта ёки кичик лавозимда ишламасин энг аввало ўзи ўрнак бўлиши, соҳасини мумкин қадар чуқурроқ ва мукаммалроқ билиши даркор. Ана шунда ишни бошқариш осонроқ кечади. Шу нуқтаи назардан саволингизни ўринли деб биламан. Ўзи спортни севмай у ёки бу тури билан шуғулланмай, хуллас спорт фидойиси бўлмай туриб спортга раҳбарлик қилиши қийин, албатта. Ёшлигимда спортнинг волейбол, баскетбол, енгил атлетика, футбол турлари билан шуғулланганман. Кейинчалик ҳар бир ўсмир каби футбол мени кўпроқ мафтун этган. Мактабни тугатгач тўғри жисмоний тарбия олийгоҳига ўқишга кирдим. Кейинчалик Фарғонанинг «Бешариқ» жамоаси сафида ўйнаб, республика чемпиони унвонига муяссар бўлдим. Сўнгра «Пахтакор» футбол мактабида директор бўлиб ишладим. Энди оиламиз ҳақида. Укаларим Бурхон, Илҳом, Икром ва Атҳамлар ҳам спортга ихлос қўйишган. Биласизми, нокамтарликка йўйманг-гу биз кичик(мини) футбол бўйича оилавий жамоалар баҳсида республика чемпиони унвонини ҳам қўлга киритганмиз. Бу ўринда футболнинг чинакам фидойиси ва жонкуяри Ахбор Имомхўжаевнинг хизматларини таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан. У кишининг шахсий ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида республика миқёсида кичик футбол бўйича оилавий биринчилик мусобақалари ўтказилганда биз ҳам қатнашдик. Қибрай ўйингоҳида якунловчи баҳсда собиқ пахтакорчи Ислом Аҳмедов оиласи билан учрашиб, ғолиб келдик ва чемпион бўлгандик. Ҳатто ўша ўйинни республика телевидениеси ойнаи жаҳон орқали олиб кўрсатганди. Ўғлим — Фаррух эса кикбоксинг билан шуғулланади.

— Энди асосий мақсадга кўчсак. Вилоятда ўтган йили спортчиларнинг эришган натижалари-ю, қурилган ўйингоҳлар, умуман амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Биласизми, ўтган йилги ишлар ҳақида гап кетадиган бўлса, энг аввало Хиросимада ўтказилган Осиё XII ўйинлари ҳақида тўхталмай бўлмайди. Мустақил она — юртимиз — Ўзбекистон вакиллари 42 мамлакат спортчилари иштирокида ўтказилган бу қитъа мусобақаларида фахрли 5-ўринни эгаллаганликлари бизда спортга қай даражада эътибор берилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Ўзбекистон жамоалари сафида қатнашган 124 спортчининг 25 нафари вилоятимиз вакиллари бўлиб, жаъми ёки қўлга киритилган 40 та медалнинг 13 тасини Тошкент вилояти вакиллари олиб бердилар. 1994 йилнинг энг яхши спортчиси унвонига ҳам вилоятимиз вакили, жаҳон кубоги соҳиби, фристайлчи Лина Черязова сазовор бўлгани ҳам қувонарлидир. Ўтган йили 7 киши халқаро даражадаги спорт устаси, 39 киши спорт устаси, 90 киши спорт усталигига номзод ва 100 дан зиёд ҳаваскорлар биринчи разряд талабларини бажардилар. Лекин бизнинг асосий вазифамиз спортни чинакам оммавийлаштиришдир. Бундан кейин ҳам бу — бош вазифамиз бўлиб қолаверади. Спорт иншоотлари қурилишига келсак. Чирчиқда замонавий соғломлаштириш спорт комплекси, Бекобод металл буюмлари заводида замонавий сув ҳавзаси, цемент комбинатида эса янги спорт комплекси қуриб фойдаланишга топширилди.

— Ана шу ютуқларга эришишда албатта спорт фидойилари — устоз ва мураббийларнинг хизматлари катта. Ўз ишлари билан бошқа жамоаларга ўрнак бўла оладиган спорт мактаблари ва тўгараклар, малакали мураббийлар ҳақида ҳам фикр билдирсангиз?

— Бундай фидойилар ҳақида гап кетганда вилоят Олимпия резервлари махсус спорт мактаби (раҳбари Саид Аъзамов), Чирчиқ, Ангрен, Янгиобод, Олмалиқ шаҳар спорт қўмиталари, Юқоричирчиқ, Тошкент, Қибрай, Янгийўл туманлари спорт мутасаддиларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Устозлардан эшкак эшиш бўйича бош мураббий Муҳиддин Миербеков, эркин кураш бўйича бош мураббий Афанасий Пак, келеслик Геннадий Чернов (эркин кураш), ангренлик Леонид Дигай (оғир атлетика), боксчи Владимир Башкиров, велосипедчи Альберт Искендеров, шахматчи Бахтиёр Холмирзаевларни алоҳида тилга олиб ўтишни истар эдим. Ҳозирги иқтисодий қийинчилик пайтида спортчиларни машғулот анжомлари, кийим-кечаклар, турли мусобақалар пайтида эса меҳмонхоналар ва овқатлантириш учун сўзсиз маълум даражада маблағлар лозим бўлади. Вилоятимизда 48 та спорт мактаби мавжуд. Ундан 6 таси махсус олимпия ўринбосарлари мактабларидир. 31 та ўйингоҳ ва 10 та сузиш ҳавзаси бор. Юқоричирчиқ туманидаги «Политотдел», «Правда», «Ийкота», жамоа хўжаликларида Бўстонлиқ туманидаги Абай номли, Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» жамоа хўжалигида, Чирчиқдаги «Узэлектрохимпром», «Сельмашчи» «Сплав» спорт клубларида, Қўйичирчиқ туманидаги «Ғалаба» спорт клубида, собиқ пахтакорчи Шамил Яфаров раҳбарлик қилаётган Ўртачирчиқ туманидаги болалар ва ўсмирлар мактабларида кўплаб ёшлар бўш вақтларини кўнгилли ва мазмунли ўтказишмоқда.

— Вилоятда халқимизнинг энг севган спорт турларидан бўлган футболни оммавийлаштириш, лаёқатли ёшларни топиб тарбиялаш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Вилоят биринчилигида тўп сураётган жамоалар бир йўла икки гуруҳ бўлиб (ўсмирлар ва катталар) мусобақалашаётганини, пировард натижа шунга қараб чиқарилаётганини таъкидламоқчиман. Майдонга аввалига 16 ёшгача бўлган ўсмирлар, сўнг эса катта ёшдаги ўйинчилар тушишади. Республика олий табақасида икки жамоамиз ўйнамоқда. «Маданият» футболчилари эса ўтган йил биринчи табақага йўлланма олишди.

— Баҳромжон, бир вақтлари Тошкент полвонлари-ю, чавандозлари довруғи довон ошганди. Ҳозирда вилоятда ана шу спорт турларига етарли эътибор берилмаётганга ўхшайди. Ҳар ҳолда Ўзбекистон биринчиликларида спортнинг бу тури бўйича вакилларимизнинг номлари кам кўринмоқда. Буни нима билан изоҳлайсиз?

— Вилоятда от спорти мактаби мавжуд. Унга Геннадий Талалаев раҳбарлик қилади. Мактаб хўжалигида 24 та от бор бўлиб, уларнинг ёши бирмунча ўтиб қолган. Эгар-жабдуқлар масаласи, ем-хашак дегандек, ўз ташвишлари билан яшаётган мактаб жамоаси тушкунликка тушмай ўз олдида турган муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда. Ёш чавандозлар ҳам бор. Лекин уларнинг тажрибаси етишмаяпти. Полвонлар масаласидаги билдирган эътирозингизга ҳам тўла қўшиламан. Ёшлар эркин ва классик кураш, каратэ ёки дзюдога мойил бўлиб кетишяпти чамамда. Ҳақиқий миллий курашимиз ўз ўрнини мана шу спорт турларига бериб қўйяптими... Лекин булар миллий курашимиз ривожига сира раҳна солмаслиги керак. Бир вақтлари ўзларининг ажойиб полвонлари билан довруғ таратган Паркент ҳамда Пискент тумани бу борада ўрнак кўрсатиши лозим деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам республика ҳамда вилоят миллий кураш федерацияларининг ишлари қониқарли бўлмаяпти.

— Баҳромжон мана бир неча йилдирки, қишлоқларда, айниқса маҳаллий қизлар ўртасида кўзга кўринган спортчилар етишиб чиқмаяпти. Сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Менимча аввало қишлоқларимизда талаб даражасидаги замонавий спорт комплекслари камлиги, малакали мутахассислар етишмаслиги ва ниҳоят ёшлар ўртасида спортга чинакамига меҳр-муҳаббат уйғота олмаслигимизда деб биламан. «Политотдел» хоккейчи қизларини ҳисобга олмаганда ҳали бошқа спорт турларида Ўзбекистонда донғи кетган маҳаллий кадрларни тарбиялай олмадик. Ҳаваскорлар ҳаваскорлигича қолиб кетишмоқда. Бунда аввало туманлардаги спорт қўмиталари ва вилоят жисмоний тарбия ҳамда спорт қўмитаси мутасаддилари айбдор деб биламан.

— Вилоятда спортнинг янада ривож топиши, оммалашиши учун ечимини кутаётган муаммолар нималардан иборат?

— Энг аввало жойларда шаҳар ва туман мутасаддилари, корхона ва жамоа хўжалиги раҳбарлари спортга эътиборни янада кучайтиришларини истардим. Юқорида айтганимдек, раҳбар бош бўлса, қизиқса имкон топади, иш юришади. Ҳозирда бирон бир янги ўйингоҳ ёки спорт комплексини қуришнинг ўзи бўлмайди албатта. Лекин биз мавжудларидан етарли даражада фойдалана олмаётганлигимиз кишини ачинтиради. Сир эмас, кўп ўйингоҳлар бўм-бўш ётади, айримлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, нураб ишдан чиқмоқда. Зангиота туманидаги Убай Мусаев номли, Оҳангарондаги «Дўстлик» жамоа ширкати ўйингоҳи, Ангрен резина-техника заводи сув ҳавзаси мутлақо қаровсиз. Бир вақтлари вилоят сузувчилар терма жамоасининг қарийб ярмини ташкил этган мана шу корхона вакиллари ҳозирда қўшни шаҳар ва туманларга бориб машқ қилишга мажбур бўлишмоқда. Илгарилари вилоятдагина эмас, балки республикада энг намунавий ва ўрнак бўлган Янгийўлдаги «Халқобод» ўйингоҳининг бугунги аҳволи ҳам бизни қаноатлантирмайди. Мусобақалар ўтказилиши ҳақида эса билдирувлар, тарғиботташвиқот ишлари билан ҳеч ким шуғулланмайди. Ваҳоланки, томошабинларни мусобақаларга жалб этиш спортни янада ривожлантириш ва оммавийлаштиришнинг муҳим шартларидан биридир.

— Янги режалар ҳақида тўхталсангиз?

— Вилоятимиз вакиллари Ўзбекистон спорт ўйинлари финал мусобақаларига тайёргарликни бошлаб юборишди. Аввалига туманларда, сўнг вилоят миқёсида беллашувлар бўлиб ўтади. Ғолиблар Ўзбекистон спорт ўйинлари якунловчи босқичида қатнашадилар. Кучлиларнинг кучлиси эса Санкт-Петербургда Ҳамдўстлик давлатлари спорт ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади. Мақсадимиз ана шу ўйинларда кўпроқ совринли ўринларни эгаллаш. Лекин асосий вазифамиз бундан буён ҳам вилоятимиз туман ва қишлоқларида спортни янада оммавийлаштиришга қаратилади. Зеро халқимизда «Соғлом танда соғ ақл» деган ҳикматли нақл бор. Соғ саломат бўлсак, ишимиз бароридан келаверади.

Суҳбатдош Ш. УМУРЗОҚОВ.

«ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР»

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ «СОҲИБКОР» ВА АНГРЕН ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИНГ «ҲУМО» КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ИЖОДИЙ МУСОБАҚА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ, УЛАР ОРАСИДАГИ ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНАДА КЕГАЙИШИ, ЁШЛАРДА ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ ТУЙҒУСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ЁШЛИК — инсон умрининг энг бебаҳо фасли. Ҳар бир йигит-қиз ўз келажаги сари интилар экан, ўзининг қай даражада ақлли, билимли, фаҳм-фаросатли ва ҳунарли бўлишини кўпроқ ана шу даврга боғлиқ деб билади. Шу боисдан ҳам «Талабалик — олтин даврим» деган иборанинг замирида олам-олам маъно мужассам. Сабаби, талаба ёшлар илм даргоҳларида етарли даражада таълим-тарбия олиш билан бир қаторда шахс сифатида шаклланадилар, бир умрлик дўст-биродарлар орттирадилар, меҳрибон ўқитувчи-устозларининг сабоқлари ва ўгитларидан баҳраманд бўладилар. Ўз қобилиятлари ва иродаларини ҳаётнинг барча паст-баланд довонларидан муваффақиятли ўтиш учун чархлаб борадилар. Шу маънода Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилиниб келинаётган «Қувноқлар ва зукколар» телемусобақаси ҳам ёш йигит-қизларнинг ўсиб- улғайишларида, жамиятда ўз ўринларини топиб олишларида баҳоли қудрат кўмаклашаётгани таҳсинга лойиқдир.

Биз Тошкент Давлат аграр университетининг «Соҳибкор» ва Ангрен педагогика институтининг «Ҳумо» жамоалари иштирокида «Қувноқлар ва зукколар» мусобақасини томоша қилар эканмиз, хаёлимиздан ана шундай ўй-хаёллар кечди. Зеро, ёшлик-талабалик инсонга бир мартагина насиб этар экан, бу даврни ҳар томонлама кўнгилли ва мазмунли ўтказиш, ўз касбининг билимдони бўлиб етишиш — ҳар бир йигит-қизнинг эзгу мақсади бўлмоғи даркор.

Мусобақани ҳар икки жамоа бир-бирларини табриклашдан, эсдалик совғалари топшириш ва ўзларини таништиришдан бошлашди. Дастлаб «Ҳумо» командаси аъзолари «Соҳибкор»ни илиқ сўзлар билан қутлаб, ўзлари таълим олаётган илм даргоҳи ҳақида жуда жонли қиқоя қилиб бердилар. Ангренликлар намойиш этган ҳаётий ҳангомада эса студентларнинг ётоқхоналари ва ошхоналаридаги аҳвол ўз ифодасини топди. Донохон Ортиқбоева, Шавкат Ҳожиқулов ижро этган замонавий қўшиқларда ҳам ижрочилик маҳорати сезилиб турилди. Булардан ташқари, «Ҳумо» жамоасининг ҳар бир чиқишида мусиқа имкониятларидан усталик билан фойдаланилганлиги, ҳазил-мутойибага мойиллик, ҳозиржавоблик ва зукколик томошабинлар эътиборини тортди.

«Соҳибкор» жамоаси аъзоларининг чиқишлари ҳам томошабинларда ҳавас уйғотди. Дорилфунун талабалари ўзларининг илмгоҳлари тўғрисида атрофлича маълумот бериш билан бир қаторда, ҳажвий саҳналари билан ҳам томошабинлар ихлоси, эътиборини қозонишга муяссар бўлдилар. Айниқса, мусобақанинг иккинчи шарти — савол-жавоб баҳсида уларда аниқликка интилиш сезилиб турилди. «Жанубий вокзал» саҳнаси билан эса профессионал санъаткорлардан қолишмайдиган даражада маҳоратга эга эканликларини намойиш қилдилар. Айниқса, шу ўринда У. Раҳмонқулов талқинидаги Деҳқон бобо ва талабанинг отаси образлари, Д. Исроилов ижро этган лирик қўшиқлар гулдурос қарсаклар билан қарши олинганлигини эътироф этиш лозим. Булардан ташқари, дорилфунун талабалари айрим йигит-қизлар илм олиш ўрнига тижоратга уриб кетишаётганини жуда таъсирчан ва қулгили саҳналар орқали кўрсатиб бердилар.

«Соҳибкор» (капитани М. Ёқубова) ва «Ҳумо» (капитани М.Жамолиддинова) жамоаларининг қувноқ ва зукко талабалари ўз устозлари раҳбарлигида мазкур мусобақага қизғин тайёргарлик ва катта масъулият билан келганликлари маълум бўлди. Бу ҳол ҳайъат аъзолари томонидан қўйилган баҳоларда ҳам ўз ифодасини топди.

— Бу баҳс-синовга ҳар иккала жамоа икки-уч ой давомида жиддий тайёргарлик кўрганлиги сезилди,— деди мусобақа ҳайъатининг раиси, Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби Наима Жабборова.— «Соҳибкор» ва «Ҳумо» командаларининг ҳар бир чиқишларида бу яққол намоён бўлди. Бизнингча, бугун бир-бирларига жуда муносиб жамоалар куч синаштдилар. Бу мусобақа талабаларнинг бир-бирлари билан дўстлашиб кетишларида, илмфан чўққиларини эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга бўлади...

Шундан сўнг ҳайъат раиси баҳсга якун ясар экан, «Соҳибкор» 67, «Ҳумо» эса 66 балл тўплаганлигини, шундай қилиб Тошкент Давлат аграр университети талабалари ғолиб чиқишганлигини маълум қилди. Ҳар иккала жамоага Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси, вилоят касаба уюшмалари федерацияси ва Ёшлар Иттифоқи Қибрай туман қўмитасининг эсдалик совғалари, дипломлари, Фахрий Ёрлиқлари топширилди.

Мазкур мусобақа Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали 3 февраль куни соат 13.10 да «Ёшлик» студиясининг «Талабалик йилларим» кўрсатувида телетомошабинлар ҳукмига ҳавола қилинади.

С. ҒАНИЕВА.

Суратларда: «Қувноқлар ва зукколар» мусобақасидан лавҳалар.

Муҳаммад Амин ва А. Пардаев олган суратлар.

ҚУТЛОВ

ЗАРБАНДДАН ШОИР ЧИҚМАСА БЎЛМАС...

Ҳа, бу дунёда шоир деган зот бор. Шоир ким ўзи? Қалбида эзгулик, мурувват, олийжаноблик, андиша жўш урганни шоир дейдилар. Онаюртига улкан муҳаббати бор одамни шоир дейдилар. Кишилар дарди-ҳасратини пайқай оладиган, уларни орифона баён қила олганларни шоир дейдилар. Камтар, ҳоксор, ҳалол, покиза, диловор фазилатлиларни шоир дейдилар. Қоларверса, қалам тебратишни санъат даражасига кўтара олган ғўзаллик муҳлисини чинакам шоир деса бўлади.

Абдулла Турдиевни ана шундай инсонлар сирасига киритиш мумкин. Ўзиям жаннатмакон бир воҳада таваллуд топган. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида Зарбанд деган қишлоқ бор. Абдулла ўша ердан чиққан. Турли ахборот воситаларида ишлагандан сўнг у 25 йил мўқаддам Тошкентга келди. Унинг нияти шоирлик пиллапояларини забт этиш эди. Бу йўлда у бир қадар олға силжиди. Айни пайтда у «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасида катта мухбир бўлиб ишламоқда.

Абдулла шоирликни ҳавас қилган экан, муддаосига эриша олдими? Ишонч билан «Ҳа!» дейиш мумкин. Унинг қонида, жонида чиндан ҳам шоирлик томчиси бор. Унинг катталарга, болаларга атаб битган шеърлари ўзига ҳос. У эндиликда камолга етиб, обдон «ширага тўлмоқда». Унда ҳаяжонли қизиқиш ҳам кучли. Хуллас, «Зарбанддан шоир чиқмаса бўлмас» деб юрган кечаги бола бугун элликка кириб қўйибди. Ижод сўқмоқларидан дадил одим ташлаётган бу йигитнинг ижодий режалари бисёр. Омон бўлса, Абдулла айтганини қиладиганлардан.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси ҳам оддий бир қаламкаш дўстимизни мавлуд куни билан астойдил қутлайди. Унга сиҳат-саломатлик ва омад тилаймиз!..

Қуйида А. Турдиевнинг ижод намуналаридан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ДЕҲҚОН

Томирлар отаман заминни ёриб,
Ердан узилмаган оёқларимдан.
Шабнамлар хўплайман уватга бориб —
Кафтимда гуллаган қадоқларимдан.

Баҳор — қорачиғим, ям-яшил дунё,
Дарахт — гул, майса — гул, бутун борлиқ гул.
Кетмоним сопига қўнару, аё,
Ҳар тонг сайрашини тарк этмас булбул.

Кенжамми ё кампир келтирган чойдан —
Ҳордиқ чоғларимда туйганда кавсар:
Заҳматлар бўйлаган ўн икки ойдан —
Деҳқоннинг юртига тўкилади зар...

Ер билан сирлашиб тупроқни ўпган —
Молтопар чопоним зар эмас, илло.
Азалдан насиба улашиб кўпга —
Қадоқ қўлларимнинг заҳмати — тил-ло!!

БОҒБОН

Тонгда боғбон ўтди оламдан...
Киприкларда томчилади ёш.
Чол қошида бу оғир ғамдан —
Мажнунтолдек эгилди ҳар бош.

Сукут чўкди ўртага бир зум
Ва барчани тутди оҳ... титроқ.
Бу бошда бор қисмат-да, мархум —
Қабри узра тортилди тупроқ.

Сўнг одамлар қабр тошига,
Гул қўйдилар даста ва даста.
Меҳрин қўшиб кўзлар ёшига.
Улар шундай тарқалди аста.

У гулларни эъзозлаб тун-кун,
Эккан эди баҳор фаслида,
Лек уларни ўлими учун,
Эҳ! Экмаган эди аслида!..

ТЎРТЛИКЛАР

Тун — кечалар қучоқлаб Ойни,
Туш кўраман — тушлар ажойиб...
Не мўъжиза?! Болишимни сўнг —
Қуритаман офтобга қўйиб...

***

Ишхонамга айтажакман мен —
«Ассалому алайкум!» аввал.
У аликдай дастурхонимга —
Ризқ-рўз бўлиб қайтажак ҳар гал...

***

Машойихлар ёзганин ўқинг,
Қолдирмиш не, туморга хатлаб:
«Кириб бўлмас ҳеч қачон уйга,
Ҳаром билан остона ҳатлаб!...»

***

Бундай беназирлик бўлмагай асло,
Ўзи каллакланиб боқадир қуртни...
Икки дунёда ҳам кўрмаган дунё -
Бир бор шоҳи рўмол ўраган... тутни!

Абдулла ТУРДИЕВ.

Бу — қизиқ!

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

• ЭНГ ЁШ БОШ ВАЗИР. Доктор Марио Фрик энг ёш давлат бошлиғи бўлди. У 28 ёшида (1993 йил 15 декабрда) Лихтенштейн Князлигининг бош вазири лавозимини эгаллади.

***

• ЭНГ КЎП ВАЗН ЙЎҚОТИШ. Розали Бредфорд (энг семиз аёл) 348 кг озган. 1987 йил январида у 476 кг вазнга эга эди. 1994 йил февралига келиб эса вазни атиги 128 кг га тушиб қолди.

***

• ЭНГ ТЕЗ ОРҚАГА ЧОПИШ. АҚШлик Тимоти Бадина Американинг Толидо шаҳрида марафон масофага орқа билан чопишда 3 соат 53 минут-у 17 секунд натижа кўрсатди. Бу рекордни у 1994 йил 24 апрелда ўрнатди. 1991 йил 13 июлда Тимоти шундай усулда чопиб 10 км масофага 45 минут 37 секундда етиб келган эди.

***

• ЭНГ ТЕЗ ЁЗИШ. Михаил Шестов 5 минут ичида компьютерда 1 дан 795 гача бўлган рақамларни биронта хатосиз ёзиб чиқди. Бу рекорд 1993 йил 14 октябрда Лондондаги «Би-би-си» компанияси телевизион марказида қўйилди.

***

• ЭНГ ОҒИР АЪЗО. Одамнинг энг оғир аъзоси — териси экан. Катта ёшдаги одам териси 2,7 кг келади. Энг оғир ички аъзо — жигар, унинг вазни — 1,5 кг, юрак эса ўртача 375 грамм келади.

***

• ЭНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК. 1347-1451 йилларда Оврупода пайдо бўлган ўлат одамларнинг ёппасига қирилишига (99,99 фоиз) олиб келган. Ўпкада пайдо бўлган ўлатнинг бу кўринишни энг юқумли хасталик деб тан олинган.

***

• ЭНГ КАМ УЧРАЙДИГАН КАСАЛЛИК. Кура, ёки кулиш хасталигига фақат Янги Гвинеянинг шарқий қисмидаги фор қабиласидагилар чалинадилар. Бу касалликка йўлиққанларнинг ҳаммаси ҳалок бўлади. Илгари каннибализм (одамхўрлик) ана шу касалликка олиб келади, деб ҳисоблаганлар.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти «Тошкент» жамоа хўжалигига қарашли «Алекс» фермер деҳқончилик хўжалигининг думалоқ муҳри ва бурчаклик штампи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

«Ташбизнесфонд» Сирғали бўлимининг бурчакли штампи ва гербли думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

Юнусобод тумани 240-мактаб томонидан Ирина Витальевна Васильева номига берилган № 194456 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

Юнусобод тумани 240-мактаб томонидан Лариса Владимировна Котлова номига берилган № 196746 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«ПАХТАКОР»ГА ЯНГИ МУРАББИЙ КЕЛДИ

Тошкентнинг «Пахтакор» футбол командасига ҳозир янги мураббий — голландиялик Ханс Ферел раҳбарлик қилмоқда. У Ўзбекистонга ишга таклиф этилган биринчи спорт мутахассисидир. Х. Ферел 41 ёшда. Ўн олти йил давомида «Авсейден бош», «Рузендау», «Энассей», «Дойдрехт», «Эркассе», «Эрбесей» командаларига мураббийлик қилган.

— Хорижда биринчи бор ишлашим, — дейди у. — Ҳамюртларим, Голландиянинг «Аес» командаси президенти Карел Аалбертс билан «Витесс» командаси раҳбари бу ишни таклиф қилганида дастлаб ҳайрон бўлдим. Чунки, ишлашим лозим бўлган командани умуман билмас эдим. Шундай бўлса ҳам, таклифга рози бўлиб, ўтган йил ноябрь ойида Тошкентга келдим.

Ҳозирча команда сафида ўзгариш кўзда тутилаётгани йўқ. Ҳар бир ўйинчининг имкониятлари билан танишяпман. Мавсумга тайёргарликни бошлаб юборганмиз. «Қибрай» ўқув-машқ марказида кунига икки мартадан машқ ўтказяпмиз.

Ҳамкасбим ва ёрдамчим Аҳрол Иноятов ҳамда футболчилар билан ўйин чоғида юз бериши мумкин бўлган вазиятларни муҳокама қиляпмиз, мен қўлламоқчи бўлган ўйин тартибини ўрганяпмиз.

Карел Аалберс ҳам ёрдам беришни ваъда қилган. У сўзининг устидан чиқадиган одам. «АЕС» компанияси командани кийим билан таъминлашни бўйнига олган — ҳозир Голландияда пахтакорчилар учун машқ либослари ва кўча кийими тайёрланмоқда. Футболчиларга бутса, кроссовкалар ҳам Голландиядан келтирилади. Шунингдек, мамлакатимга сафар қилиб, у ерда бир неча ўртоқлик ўйинлари ўтказишни ҳам режалаштирганмиз.

(ЎзА мухбири).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0054. 18527 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6